

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



КЕЛИН БЎЛМОҚ ҲАМ САНЪАТ

“Келин бўлган билар-келин аҳволини”...- дея куйланади “ёр-ёр”ли бир кўшиқда... Ҳақиқатан ҳам бу дунёда аёл бўлиш осон эмас, келин бўлиш ҳам... Ўзбек келини бўлмоқнинг ўз сир-синоати, санъати бор. Шарм-ҳаёни, лутфу тавозеъни, гўзалликни ўзингдан узоклатмай хонадонингдagi, кўчангдagi, маҳаллангдagi ҳамма каттаю кичикнинг кўнглини топишинг керак?... Шундай бўлишинг керакки, сени кўрганлар-“Мунчаям чиройли келинчак экан”,- дейишсин... Шундай рўзгор тутишинг керакки, сени кўрсатиб, “Киройи келинининг бўлса, шунақа бўлса-да”,- дейишсин... Сен чевар бўлишинг, сен пазанда бўлишинг, сен ҳамшира бўлишинг, сен доною тadbиркор бўлишинг, хулласи калом “Ибратли келинчак” бўлишинг, кўрганларни лолу ҳайрон, кўрмаганларни армонда қолдиришинг керак...

Демак, маданиятинг, маънавиятинг бўлиши керак. Бу эса муттасил ўз устингда ишлашингни талаб қилади. Чунки, маданият ва маънавият инсон билан бирга туғилмайди. Меҳнату заҳмат туфайли шаклланади.

“Энг ибратли келинчак”... Бу даражага эришиш осонми-кийинми? Умуман бу даражага эришиб бўладими? Бу даражани кўлга киритиш учун қандай қобилиятга, хислату фазилатга эга бўлмоқ керак?

Муҳташам “Туркистон” саройида катта тантана билан ўтаётган “Энг ибратли келинчак” (ташкilotчилари- Республика хотин-қизлар кўмитаси, “Экосан”, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармалари) 2-Республика кўрик-танловини томоша қилиб ўтирарканман кўнглимдан ана шундай ўй-хаёллар кечади. Қорақалпоғистонлик, Тошкент шаҳарлик ва вилоятлардан ташриф буюрган келинчаклар ўзларига берилган топшириқларни бирин-кетин бажаришга киришадилар. Ҳакамлар ҳайъати уларнинг ҳозиржавоблиги, эпчилиги, уддабуронлиги, зук-қолиги билан бирга кийинги маданиятига ҳам эътиборни қаратишади, тинмай кузатишади. Ахир кўйиладиган баҳолар ҳаққоний бўлиши, ҳеч ким бу даргоҳдан ноумид қайтмаслиги керакда. Танлов қатнашчилари Аёллар йили хотин-қизлар зиммасига юклаган масъулиятни яхши тушунишларини, экологияни соф сақлашда аёллар-оналар жонбозлик кўрсатишлари шарт эканлигини, аёл-она медицина, санъат, адабиёт, маданият, тарих, техника ютуқларидан хабар-

дор, ўқимишли, кенг дунёқарашли бўлиши лозимлигини намойиш этишади. Айниқса сўнгги-эркин мавзудаги топшириқ ниҳоятда кўнглили бўлди-келинчаклар ўзлари ёзган шеърлардан ўқишди, кўлга тор олиб кўшиқ куйлашди, рақсга тушишди, сахна кўринишида рол ижро этишди.

Залда ўтирган томошабинларнинг ҳар бирининг кўнглидан “Эх, ибратли келинчак бўлиш нақадар қийин экан”,-деган фикр ўтмай қолмади, назаримда. Чунки, келинчаклар ўзбек келинининг қиёфасини, ички дунёсини, маданиятини намойиш этиб голиблик шохсупасига чиқиш учун кўлларида келганича қаттиқ ҳаракат қилишди.

Томошабинларнинг кўнглидан иштирокчиларга қарата яна бир ҳаққоний икром ҳам ўтди: “Яшанг, кам бўлманг, келинчаклар, сизни ўстирган, вояга етказган ота-онангизга ташаккурлар ва тасаннолар бўлсин!”

Ниҳоят голиблар эълон қилинадиган ҳаяжонли дамлар ҳам келди. Тошкент шаҳарлик Раъно Каримова кўрик-танловнинг мутлоқ голиби деб тан олинди.

Биринчи ўрин-наманганлик Марғуба Сиддиқовага берилди. Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик Нилуфар Серембетова ва фарғоналик Муҳайё Зокирова лойиқ топилдилар.

Учинчи ўрин Моҳира Шокирова (Навоий), Хулқар Абдурасулова (Андижон), Раъно Хайдарова (Сирдарё)ларга берилди. Булардан ташқари кўрик-танловнинг “Энг яхши келин” унвони Нигора Жўраева (Қашқадарё), Жанона Хўжаева (Хоразм), “Долзарб мавзу акс эттирилгани учун” унвони Зулхумор Алимардонова (Сурхондарё), Барнохон Ҳалолова (Тошкент вилояти), “Энг назокатли келин” унвони Дилшода Турсунова (Самарқанд), “Эркин мавзунини аъло бажаргани учун” унвони Гулчеҳра Рўзиқуллова (Бухоро), “Энг жозибали келин” унвони Феруза Абдужалилова (Жиззах)ларга насиб этди.

“Энг ибратли келинчак” танлови голиблари ва унвонларга мушарраф бўлганларга қимматбахо совғалар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Ғуломова иштирок этди ва қатнашчиларни табриклаб нутқ сўзлади.

Д. САИДОВА

“АЁЛЛАР ЎТИШ ДАВРИДА”

27 сентябр куни БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколат-

хонаси 1999 йил учун тайёрлаган “Аёллар ўтиш даврида” минтақавий Мониторинг доклады тақдимоти ўтказилди.

БМТ Болалар жамғармаси докладада социалистик тузум инқирозидан сўнг Марказий ва Шарқий Европа, собиқ Совет

Республикалари ҳудудида яшовчи аёллар аҳволи биринчи марта ҳар томонлама тадқиқ қилинган.

Анжуманни ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригес очди. Уни Ўзбекистон Вазирлар Маъ-

камаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибияти мудири Танзилла Норбоева бошқарди. “Аёллар ўтиш даврида” доклады юзасидан Ф.Абдурахимова, Д.Кобулова, Д.Шарипова, Й. Саиджонов, О.Йўлдоше-

АХБОРОТ

ва, О.Хожиева, И.Юсупова, ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўз мухбиримиз

МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДОШАЙДИК

Бугун оинаи жаҳон е радионинг мурватини бурасангиз, қайсики газетани варақласангиз, сайлов мавзусидаги мақола-ю суҳбатларга кўзингиз тушади.

Бундан ўн-ўн беш йил илгари республикамизда ўтказиладиган сайловлар аслида ҳўжакурсинга бўларди. Ўзбекистонлик сайловчи учун кимга овоз беришнинг аҳамияти йўқ эди. Ҳамма-ҳаммаси аввалроқ битта ҳўкмрон партия томонидан ҳал этилар, сўнг, сайловчи номигагина "овоз бериши" даркор эди. Ўз навбатида сайловчи ҳам бу ишга жуда бефарқ қарарди. Кимнинг, қанақа инсоннинг депутат бўлаётганига қизиқмасди ҳам. Ҳатто, ўша кун сайлов участкасига боришга эринишарди баъзилар. Оиладаги беш-олти сайловчи номидан биттаси бориб, кўрсатилган қўтига бюллетенини ташлаб қайтаверарди... Шу тариха ҳамма иш гўё силлиққина давом этаверарди.

Энди-чи? Мустақил Ўзбекистон давлатининг сайлов тўғрисида ўз қонунлари мавжуд. "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида" ги Қонунларимизни эътибор билан ўқиб, мазмун-моҳиятини тушунган ҳар бир инсон аслида ўз ҳақ-ҳўқуқини тўлароқ англаб етади. Наники ўз ҳақ-ҳўқуқини, балки, юртининг келажаги, равнақи учун қандай ҳисса қўиши имкониятларига эга эканлигини ҳам тушунади, идрок этади.

мамлакатимизда фаолият курсатётган бешта сиёсий партия ушбу сайловларда нечоғли фаоллигини намойиш этиши кўтилмоқда. Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 250 та сайлов округидан ҳар бир партия ўз номзодларини кўрсатиши мумкин. Булардан ташқари ҳўкимият вакиллик органлари ҳамда бевосита фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳам ўз номзодларини кўрсатиш ҳўқуқига эгадирлар. Энг асосий гап- аввало ўша номзодлар муносиб лозим. Улар орасидан ҳам энг муносиб номзодга овоз бериш-сайловчиларимиздан катта масъулият талаб қилади.

Шу йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайлови ўтказилади. Бу муҳим кампанияга бутун мамлакатимизда қизгин ҳўзирлик кетмоқда.

Сайланажак депутатларга эртанги кунимиз, келажак тақдиримизни ишонган бўлаемиз. Демакки, бўлажак сайловларда энг муносиб номзодларга овоз бериш лозим. Қонунларимиз эса биз учун барча имкониятларни бермоқда. Энди сайловчиларимиз ўз ҳақ-ҳўқуқларини яхши билсалар, шунга яраша фаолроқ бўлсалар бас!..

Орзу - ниятнинг бошланishi. Ният эса - орзунинг ақл-идрокли давоми, дегим келади. Юртдошларимизнинг орзу-умидлари, эзгу ниятлари бугунги кунда сайловолди жараёни, унинг эртанги натижаси билан ҳамоҳанг. Шундай экан бу тадбирга барчамиз бирдек масъулият билан ёндошайлик, азизлар...

Тўлқин ЭШБЕК

САЙЛОВОЛДИ ТИЛАКЛАРИМ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

ИСТИҚЛОЛ ВА АЁЛ

Газетамизнинг 38-сонида 21 сентябр куни Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси Республика мустақиллигининг 8-йиллиги ва Аёллар йилига бағишлаб "Истиқлол ва аёл" мавзусида анжуман ўтказганлиги, унда Республикаимизнинг фаол аёллари, барча вилоятлар хотин-қизлар кўмиталарининг раислари иштирок этишгани ҳақида хабар берган эдик.

Маъзкур анжуман иштирокчилари Ўзбекистон хотин-қизларига қарата Мурожаатнома қабул қилдилар. Куйида Мурожаатнома матни билан танишасиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Юртимизда амалга ошириляётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислохотларда хотин-қизлар фаол иштирок этмоқдалар. Айниқса, "Аёллар йили" бўлмиш 1999 йилда бизнинг опа-сингилларимиз ўзларининг бор имкониятларини, ижодкорликларини, юксак салоҳиятларини тўла намоён этмоқдалар. Ҳўкуматимиз томонидан уларнинг тинч ва осойишта, фаровон яшашлари учун, минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Кейинги вақтларда бизнинг ақдангадолар томонидан уюштирилган террористик ҳаракатлар ва бугунги кунда қўшни Қирғизистон Республикасида содир бўляётган мудҳиш воқеалар биз, оналарни ниҳоятда газаблантирмоқда. Бу воқеалар тинчлик-осойишталик биз учун қанчалик қадрли эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди. Бу ҳодисалар мустақиллигимизни, тинчлигимизни, барча соҳаларда эришяётган ютуқларимизни қўрқолмайдиган тубан кимсаларнинг ишидир. Иродаси мустаҳкам, ўз Ватанига садоқатли, меҳнатсевар инсонлари, келажакда интиляётган иқтидорли ёшлари бор халқимизни ҳеч ким ва ҳеч қачон енга олмайдди. Биз ҳар

қандай вазиятда ҳам юртимизни, тинчлигимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга қодир эканлигимизга қатъий ишонамиз.

Азиз опа-сингиллар!

Бу азиз Ватан барчамизники, унинг ёрқин келажаги, кўзланган кутлуг манзилларга галаба кўчиб етиб бормоғи, фарзандларининг бахтиёр яшашлари учун ҳар биримиз ва ҳаммамиз масъулмиз.

Ана шу масъулиятни ҳис этиш, энг аввало оғоҳлики, ҳўшёрликни тақозо этади. Мустақилликни асраш, уни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш, давлатимизни ривожига учун бор имкониятларни ишга солиш-ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Биз, оналар, фарзандларимизнинг жаҳолатга юз тутмасликлари учун барча чораларни қўришимиз, уларни юксак маънавиятли қилиш, ўз Ватанига садоқат руҳида тарбиялаш учун бор кучимизни аямаслигимиз лозим. Аллоҳ бизга берган буюк неъмат-мустақилликни, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачиғидай асраш лозимлигини ёшларимиз онгига чўқур сингдирайлик.

Мустақиллигимиз, тинчлигимиз, барқарорлигимиз абадий бўлсин!

Республика Хотин-қизлар кўмитасининг фаоллари

ОИЛАНГИ, ЎЗ УЙИНГНИ ҲИМОЯ ҚИЛ

Қарияларимиз фотиҳадан сўнг, албатта тинчлик-хотиржамлик бўлсин деган иборани қайта-қайта такрорлаб қўядилар. Бу бежиз айтилмайди. Токи осудалик, барқарорлик бўлган жойдагина иқтисодий, илм-маърифий юксалишлар, чин маънодаги инсонлар орзу қилган бахтга эришиши мумкин. Дунёнинг турли хил бурчакларида террорчи гуруҳларнинг кўпоровчилик ҳаракатлари натижасида тинч аҳоли нобуд бўляётганлигини оммавий-ахборот воситалари орқали барчамиз ўқиб, кўриб бораёпмиз. Ўз навбатида жангариларнинг бундай ёвузликлари жаҳон афкор оммасининг қаҳр-газабини кўзгатмоқда. Хусусан, Косово, Шарқий Тимир, Яқин Шарқ каби оловли нуқталарда урушни бар-тароф этиш мақсадида БМТнинг тинчликпарвар қўшинлари фаолият юритмоқда. Лекин шунини очик-ойдин тан олиш керакки, бизнинг минтақамизда бўляётган воқеа-ҳодисаларга панжа орасидан қаралмоқда. Бунга мисол тарихида кўшни, қардош давлатлар Афғонистондаги йигирма йилдан ортиқроқ, Тожикистондаги ўн йилдан бери давом этиб келяётган биродарқўшлик урушини келтириш мумкин. Уруш бу мамлакатга, бу халққа нима берди?! Иқтисодий ривожланишнинг нафақат тўхташи, балки пасайишини кузатиш мумкин. Кимнидир ота-онасидан, кимнидир фарзандидан, кимнидир қўл-оёғи яна кимларнингдир Ватанидан жудо қилган жаҳолат тожи-уруш эмасми? Қўшни Қирғизистон Республикасига бостириб қирган жангари тўдаларнинг муддаоси недир? Динни ниқоб қилиб олган бу гуруҳлар, нима сабабдан бегуноҳ кишилар умрига завола бўлмоқда? Қани улардаги инсоний фазилат, ор-номус, Ватанга, халққа садоқату инсон қилиб яратиб, онг, тафаккур берган Оллоҳга эътикод? Дўппини бошдан олиб чўқур ўйлаб кўрайлик, минтақамиздаги сиёсий барқарорлик издан чиқадиган бўлса, бутун дунё халқига салбий таъсир еткази. Ҳаммамизга маълумки, Овруро мамлакатларида у ерлардан бутун давлатларга тарқайди. Бунинг натижасида гиёҳвандлар сафи ортади, бу эса ўз навбатида жиноятчилар кўпайишига омил бўлади. Расмий

маълумотларда эътироф этилишича гиёҳванд моддани етиштириш учун сарфланган 1 АҚШ доллари 12000 (ўн икки минг) доллар миқдори атрофида фойда келтиради. Бундан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Қолаверса, қуролланиш пойгази авж олиб халқаро террорчилар мавқеи шаклланиб, кучли оқимга айланади. Демак, минтақамизга ҳаф соляётган бу қўринишлар нафақат шу ерда жойлашган давлатларнинг, балки дунё ҳамжамиятининг олдида энг мураккаб ва муҳим вазифалардан бири деб қаралмоқ керак. Бу борада Ўзбекистон ҳўкумати олиб бораётган сиёсатни шу муқаддас замин фарзанди сифатида қўллаб-қувватлайман. Халқимиз мақсади, фақат тинчлик, эл-юртнинг озод ва ободлигидир. Ўз элимиз, ўз оиламиз, ўз уйимизни ҳимоя қилайлик! Зеро, жаҳолат устидан маърифат, разолат устидан адолат мангу галаба қилгусидир.

Жаҳолатнинг зулматида дучор бўлсанг, Маърифатни зиё сана, халоскор бил, Юрт дардига ўз дардингни туташ билсанг, Оилангни, ўз уйингни ҳимоя қил.

Ўз онасин еб ўлдирар қорақуртлар, Бор дунёда шундай беюз, кўр, бевурдлар, Шақли инсон, феъли ҳайвон бу манқуртлар, Улардан-да, ўз элингни ҳимоя қил.

Чаён бўлиб меҳробларда уради ниш, Ўз ортидан қолдиради азоб, ташвиш. Сени сотар, мени сотар ватанфоруш, Ватани ва танингни ҳимоя қил.

Ким шайтонни лаиннинг қўл бандалари, Оллоҳимга аён эрур анинг бари, Қўпаймасин разилликнинг тиконлари, Гулзорингни, чаманингни ҳимоя қил.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ

1-ОКТАБР - ҲИМОЯЧИЛАР ВА МУРАББИЛАР КУНИ

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУАЛЛИМЛАР!

Мақтаба илк қадам қўйган кунимизданоқ устозимиз Назира опа бизга ўқишни, ёзишни ўргатдилар, олам ва одам ҳақида сабоқ бердилар.

Мен Назира опани худди онамдек яхши кўриб қолдим. Устозимиз бизни ҳато қилсак коймайдилар, бирор нарса сўрасак батафсил ўргатадилар, етук инсон бўлиб етишишимизни чин дилдан тилайдилар. Буни биз ҳаммаша кўзларидан, юзларидан, сўзларидан ҳис этамиз.

Сиз Ўзбекистоннинг келажасиз. Эл-юртимизнинг сизлардан умиди катта, болаларим. Муносиб фарзандлар бўлиб етишишларинг кераклигини унутманг,-дейдилар опамом.

Мен Назира оиламизни ва барча азиз устозларимизни муаллимлар байрами билан табриқлайман, соғ-омон бўлинглар, эзгу орзу-ниятларингиз йўлдошингиз бўлсин,-дея тилак билдираман

Шаҳноза Мирсодиқова, Тошкентдаги 284-лицей-мактабнинг 4-«А» синф ўқувчиси

БУЛАР МАЙДА-ЧУЙДА КЎРИНГАНИ БИЛАН...

ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

Кундан кунга буй чўзиб, кўзага ажин бўлиб бораётган қизингизни ёнингизга олиб, қиз боланинг одоби, оиладаги муқаддас ўрни ҳақида ҳеч сўхбатлашганмисиз?

Севимли ўғилчангизни тиззангизга олиб, охири марта қачон эртак айтиб бергангизни эслай оласизми?

Умуман, бирон марта эртак айтиб берганмисиз?

Жондан азиз фарзандингизни нима билан қизиқини, нимадан қайратланишини биласизми?

“Йўқ!...”

Бу саволлар дилни оғритади. Жавоблари ундан-да оғрикли.

Ҳа, биз-ҳаддан ташқари банд аёллармиз. Эрталаб чарчоғи таркамган вужудларимизни оғир судраб, уй йиғиштирамиз, нонушта ҳозирлаймиз, нардан-бери тамадди қилган бўлиб, ишга ҳозирланамиз. Бу ҳозирланиш қай биримиз учун ўзимиз-у, бир-икки фарзандимизни уст-бошини тайёрлаб, кийинтиришдан иборат бўлса, қай биримиз учун уйга келиб қиладиган асосий юмуши газета ўқишдан иборат бўлган эр, беш-олти нафар боланинг кийим-бошини дазмоллаб, кийинтиришдан иборатдир. Кўпчилигимиз эрталабки 2 соатлик фаолиятимизда 8 соатлик юмушни уддалаб, гоҳ сал эртароқ, гоҳ сал кечикиб ишонамиз етиб борамиз-да, елкамиздан тоғ ағдарилгандай, гўё дам олиш уйига етиб келгандай, енгил нафас оламиз.

Аммо, қим ҳам афту-ангорингизга, хусну-малоҳатингизга қараб маош берарди. Рўзгорининг каму кўстига ярар деб ишга келганмисиз, ишланг марҳамат қилиб. Сиз ишлайсиз. Аёл кишининг териси юққа келади. Унинг жонини жабборга топшириб ишлаши учун битта ишора, битта томоқ қириш етарли.

Кечкурун бозор, боғча, сўнг уй... Уйда эса бир дунё юмуш: қозон-товоқ, тандир-ўчоқ...

Эртакни ҳам эртак ўқиган одам билади-да. Қиз боланинг одоби ҳақида холи-қудрати етган одам сўйлайди-да. Биз бўлса... Иложи бўлса, бизни тинч қўйишсин. Ортиқча саволлар билан толиққан миъларимизни толдирамиз. Фарзандларимизнинг кўчада тинчгина ўйнаб юрганини кўриб суюнамиз, бирон жанжал чиқаришса, одобсизлиги учун эмас, тинчимизни бузгани учун куюнамиз, уришамиз.

Эртак бўлса, ама китоб! Уқиб олаверсин. Одоб-ахлоқ бўлса муаллимлар нимага ойлук олишяпти? Урга-тишсин-да, камини турмушда ўзлари ўзлаштириб олаверадилар.

Шундай! Эрталаб ишга чопамиз, кечкурун уйга. Болалар эса... Энг оддий одоб-ахлоқ қоидаларини ҳам билмай ўлғаймоқдалар.

Дейлик, қаергадир шошиб кетаясиз. “Ҳей!” деган овоз эътиборингизни тортади. Дикқатингизни бир жойга қамлагунингизча, рўпарангизда турган биров “буйруқ” беради: “Соатни айтиб юборинг!”. Бир зум иккиланиб қоласиз: “Салом йўқ, алиқ йўқ. Сўзида эмас, ҳеч бўлмаса сўрасангизда ё қарашлариди ҳам илтимсоқ йўқ. Мен соатни сен учун тақиб юрибманми? Э, бор-э! Тарбия кўрмаган!”. Кўнглингиздан ўтган фикрларни тушунтириб ўтириш учун кўп вақт керак. Гапни қисқа қиласиз: “Соатим ишламайди!”.

Замондошингизнинг тарбиясизлигига бор эътиборингизни мана шу бир оғиз сўзда ифодаламоқчи бўласиз. Қошки, уни тушунишса, орадан кўп ўтмай яна биров сўрайди: “Соатингиз неча бўлди?”.

Тарбиямиз ниҳоятда ғариблиги дастурхон атрофида жуда билиниб қолади. Қайси бир миллатда кўёнинг синон шартларидан бири лағмон едириш экан. Зеро, дастурхон атрофида ўзини рисоладагидек тутиб ўтириш, овқат ейиш ва чой ичиш ҳам кишининг мақдони, одоб-ахлоқ даражасини аниқлайди.

Мен бу сатрларни жуда кўп йигит-қизларимизнинг дастурхон атрофида ўзларини қандай тутишини билмаганликларини, олдидаги нонни дастурхон қилиб, кўрпача устида ушатиб, ҳаммаёқни ушқ қилганликларини, қоса дастурхонда қолиб, овқат солинган қошиқ қаққайиб ўтирган эгасининг оғизига етгунча ҳамма томонга ёғли доғ томизганларини, йигитлар эса, қизлар ҳам хўриллатиб чой, овқат ичганликларини, оғизларини очиб, чалпиллатиб хунук овоз чиқариб овқат еганларини кўп марта кўрганим учун, афсус-надомат билан ёзмакдман.

Агар нон кўрпача устида ушатишса, дастурхон нима учун тўшалган? Овқат ейилган пайтда қошиқ бир газ кўтарилмасдан одам қоса ва дастурхон томонга эгилса бўлмайди-ми? Суюқ хўрақни хўриллатиб нафас билан тортиб олмасдан, охишта хўшлаш, овқатни қам-қамдан олиб, оғизни юмиб чайнаш наҳотки шунчалар кийин бўлса? Жуда кўп миллат ва элатларда болаларга қошиқ ушлашдан тортиб, сўзлашиш, қулиш тартибларига ўргатилади. Биз эса қизларимизга ҳовли супиришни, кўр ювишни, нари борса (ўзимиз билсак) тикиш-бичишни, ўғилларимизга эса ўтин ёришни, мол боқишни, умуман бир сўз билан айтганда, мөҳнат қилишни ўргатамиз. Маърифатли, маданиятли эмас, уздабурдон, эпчил ишич кучлари тайёрлаймиз.

Тақдир тақозаси билан бир тошкентлик дугонам вилоятимизга келин бўлиб тушган. Эру-хотин ҳар иккаласи таниш бўлганлиги сабабли, яхшигина борди-келдиш бор. Кўёё олий маълумотли, катта бир ташкилотнинг масъул ходими, қадди-басти ҳавас қилгудек йигит. Аммо шундай жиҳатлари борки...

Уйига борсангиз, сиз билан сўхбатлашиб ўтирган ҳолда бўйнидан тортиб

оёқ бармоқларининг орасигача, қирини эзиб, қол-қора қилиб эшиб-эшиб ташлаверадилар. Қуллоқ-бурунларини қовлаб, ундан нималаридир чиқариб ташлаб, яна ҳеч нарса кўрмагандай, гапида давом этаверадилар... Бир сафар дугонам емакхонасини кўрсатди. Стол атрофида тўртта ўриндик, Бирида ўзи, иккитасида икки боласи, тўртдаги ўриндикда эри ўтирар экан. Ўзи, болалари ўтирдиган жой топ-тоза. Эри ўтирадиган жойда нон ушоқлари сепилиб ётар эди.

5 йилдан бери нонни дастурхонда ушатишни, гавада билан дастурхон атрофида масофа қолдирмасдан овқатланишни айтиб, тушунтириб ҳам сира ўргата олмадим. Авваллари қосадан бир қошиқ овқат олсалар, қошиқ оғзига етгунча, ама гиламга томди, мана кўрпачага томди, вай, кийимларига томди деб, юракинам бўзимга тиқилиб қоларди.

Энди анча кўникиб қолдим. Бир пайт емакхонанинг тўғрисидаги ювиниш хонасининг эшиги очилиб ёпилди-да, ичкардан шатир-шутур сув овози кела бошлади. Дугонанимандир ҳавотирлангандек ўрнидан сакраб туриб, кўшни хонага чиқиб кетди. Бироздан сўнг яна жиғиб ийрон бўлиб қайтди.

Қайним... Қишлоқдан қайним келган эди. Ваннахонага кичирди.

У ерда тўққизта сочик турган эди. Ўзимизники, болаларники юз-кўла алоҳида, баданга алоҳида, қўлсочик алоҳида. Билмадим, қайси бирига артиниб чиқади? Қайси чўтка билан ойда бир ювмайдиган тишини ювади? Қайси мочалкани ишлатади? Ахир ишонсангиз, болаларни ювинтирадиган мочалкадан далаларига фойдаланишга қўймаман. Булар бўлса... Хўжайинга гапирсам, нима песи-маразим борми, деб оғиз очиргани қўймайди.

Анчадан кейин ювиниш хонасидан қайин бола чиқиб келди:

Шаҳарликларга мазада, а, янга?

Дугонам инграб юборди:

Сўраса ўзига алоҳида сочик берадизми-ку. Энди тўққиз сочикни ҳам қайта ювишим керак. Кечагина тутган эдим...

Булар бир қарашда арзмаган, майда-чуйда қусурларга ўхшаб кўринади. Аммо бу қусурлар бир сўхбатда доно, барно бўлиб кўринган одамни, ўрни келганда тупроқ билан қориштириб таш-

лаш, гўлдек оилаларни бузиб юбориш қудратига эгадир.

Бизни эса бундай қусурлар қизиктирмайди. Аввало болаларимизнинг жони соғ, усти бут, қорни тўқ бўлсин. Биздан кейин ҳам шундай “тўқис” яшаш учун ўқиши, илм олиши, иш ўрганиши-хуллас ё илмий, ё жисмоний ишчи кучи бўлмоғи шарт. Бу ишчи кучининг бор фаолияти ўзининг ҳаражатларини таъминлашга йўналтирилган роботлардан нима фарқи бор?

Эҳтимол, баъзи одамлар орасида мөҳр-оқибат, самимият, юртга, Ватанга муҳаббат сўст эканлиги ҳам шундандир.

Турғунлик йилларида Ватан, ватанпарварлик деган тушунчалар бизнинг онгимизда ниҳоятда сийқалиниб, ҳақиқий маъносини йўқотиш даражасига етди. Ҳозир ҳам ҳар биримиз фарзандларимиз билан Ватан ҳақида, Ватан олдидаги муқаддас бурч ҳақида сўхбатлашишга вақт ажратаётганимиз йўқ. Кўпчилигимиз ватанпарварлар эмас, ўз авлодимиз давомчиларини улғайтирмаймиз. Сабаби, ўз манфаатларимизни Ватан манфаатларидан устун қўямиз. Изимизда қолажак авлод ҳам, аввало, ўзини яхши кўради. Аммо беватан инсоннинг вужудсиз жондан ҳеч қандай фарқи йўқлигини ватангадо бўлганлар тушунмаса, биз тушунмаймиз...

Автобусда бир аёл ҳасрат қилиб қолди:

Назаримда ёғи таътил ҳам жуда чўзилиб кетганга ўхшайди. Мактаб ҳам яхши эди, бир нарса ўргата-ўргатамиз, тушгача болаларни йиғиб ўтирадиди. Энди кун бўйи кўчада изғишади.

Эгачим-а, ўша бесамар изғиб юрган болалардан биз оналар, жамият нечоғлик қардоримиз-а. Қим ҳам фарзандини ёмон кўради. Аммо уларга сеvimли уйинлари қайи ҳеч бадиға урмайдиган, чарчаб толиб қолсаларда, сира безмайдиган юмушларини толиб, шу билан машғул қилиб қўйиб ёки кендузи китобларга қўмиб ташлаб, кечкурун ўша ўқиганлари ҳақида сўхбатлашиш бизнинг энг муқаддас бурчимиз эканлигини қай биримиз тушунамиз, қай биримиз тушунмаймиз, фарзандлар олдидаги асосий вазифасидан қай уларни боқиб эмас, тарбиялаш ҳам эканлигини қачон аглаб еталам?

Ушбу сатрларни қўйиб-ёниб ёзаяпман-у, қўлогимга азиз муштарийларнинг “Бунинг иложи борми?” деган илтижо тўла саволлари эшитилиб кетгандай бўлади. Ўз-ўзимга шу саволни бериб, тайинли бир жавоб ололмадим.

Зеро, менинг ҳам ёлғизгина ўғлим бор. У мен учун ҳар қачна сеvimли бўлмасин, у билан охириги марта қачон юракдан сўхбатлашганимни сира эслай олмаيمان. Мен ҳам ҳамма оналар каби соғ-омон, тинчгина юрганини кўриб суюнам. Сабаби... Мен ҳам уйга ҳамма қатори хориб-толиб қайтаман.

Аммо, барибир, болалар билан шуғулланмоқ учун вақт, куч-қудрат, “илож” топмоқ керак.

Ахир, энди мустақил Ватанга фақат ишчи кучлари эмас, қалба мийлий гурур билан тўла, Ватаниннг ўтишини яхши биладиган, келажик буюқлигига ишонадиган, маданиятли, маърифатли фарзандлар керак. Бундай фарзандларсиз-Ватаниннг мустақиллиги-ҳеч нарса, мустақил Ватансиз эса-фарзандларимизнинг соғу-омонлиги, бахтли-бадавлатлиги ҳеч нарсасидир.

Жамила ЭРГАШЕВА



ОДАМЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ЭМАСМИЗ

Тахририятимизга келган шикоят хатларнинг жойларда ўз ечимини топганлиги ҳақида қуйидаги жавобларни олдик:

“Пахтакор туманининг А.Икромов жамоа хўжайи, Эргаш Холматов кўчаси 32-уй, 2 кватирарада яшовчи фуқаро Д.Очилованинг декрет отпусказидан сўнг ўз ишига қайта қабул қилинмаётганлиги ҳақидаги шикоят хати қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва А.Икромов номи пахта тозалаш заводи раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди ва у ўз ишига қайта тикланди, ҳамда шарт-шароитидан хабар олиб ту-

риш ва қарақли пайтда ўз вақтида ёрдам бериш вазифасини пахта тозалаш заводи раҳбарияти ўз зиммасига олди” деб ёзади Пахтакор туман ҳокимияти.

Шунингдек, Қашқадарёлик муҳбиримиз Исоқ Сатторовнинг хабар беришича, Яқкабоғ туманида яшовчи фуқаро Мавжуда Хўжамуродованинг тахририятимизга ёзган шикоят хати қуйидагича ечилди:

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбари Аҳмад Ҳазратқулқовнинг кўрсатмаси билан М.Хўжамуродова вилоят шифокорлик муас-

сасида шифокорлар кўригидан ўтказилиб, унга аниқ ташхис қўйилди ва Яқкабоғ тумани марказий касалхонасининг асаб касалликларини даволаш бўлимида даволаниши, керакли дори-дармон билан таъминланиши учун барча чора-тадбир кўрилди. Ҳозирда М.Хўжамуродова туман касалхонасида даволанапти. Ундан ташқари, туман ҳокимлиги ва маҳаллий фуқаролар қўмитаси томонидан арзигўнинг оилавий шароити билан танишилди ва ҳам таъминланган оилалар рўйхатига киритилиб, фарзандлари

ушбу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга қўйилди ва Яқкабоғ тумани марказий касалхонасининг асаб касалликларини даволаш бўлимида даволаниши, керакли дори-дармон билан таъминланиши учун барча чора-тадбир кўрилди. Ҳозирда М.Хўжамуродова туман касалхонасида даволанапти. Ундан ташқари, туман ҳокимлиги ва маҳаллий фуқаролар қўмитаси томонидан арзигўнинг оилавий шароити билан танишилди ва ҳам таъминланган оилалар рўйхатига киритилиб, фарзандлари

ушбу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга қўйилди ва Яқкабоғ тумани марказий касалхонасининг асаб касалликларини даволаш бўлимида даволаниши, керакли дори-дармон билан таъминланиши учун барча чора-тадбир кўрилди. Ҳозирда М.Хўжамуродова туман касалхонасида даволанапти. Ундан ташқари, туман ҳокимлиги ва маҳаллий фуқаролар қўмитаси томонидан арзигўнинг оилавий шароити билан танишилди ва ҳам таъминланган оилалар рўйхатига киритилиб, фарзандлари

ушбу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга қўйилди ва Яқкабоғ тумани марказий касалхонасининг асаб касалликларини даволаш бўлимида даволаниши, керакли дори-дармон билан таъминланиши учун барча чора-тадбир кўрилди. Ҳозирда М.Хўжамуродова туман касалхонасида даволанапти. Ундан ташқари, туман ҳокимлиги ва маҳаллий фуқаролар қўмитаси томонидан арзигўнинг оилавий шароити билан танишилди ва ҳам таъминланган оилалар рўйхатига киритилиб, фарзандлари

ушбу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга қўйилди ва Яқкабоғ тумани марказий касалхонасининг асаб касалликларини даволаш бўлимида даволаниши, керакли дори-дармон билан таъминланиши учун барча чора-тадбир кўрилди. Ҳозирда М.Хўжамуродова туман касалхонасида даволанапти. Ундан ташқари, туман ҳокимлиги ва маҳаллий фуқаролар қўмитаси томонидан арзигўнинг оилавий шароити билан танишилди ва ҳам таъминланган оилалар рўйхатига киритилиб, фарзандлари

ушбу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришга қўйилди ва Яқкабоғ тумани марказий касалхонасининг асаб касалликларини даволаш бўлимида даволаниши, керакли дори-дармон билан таъминланиши учун барча чора-тадбир кўрилди. Ҳозирда М.Хўжамуродова туман касалхонасида даволанапти. Ундан ташқари, туман ҳокимлиги ва маҳаллий фуқаролар қўмитаси томонидан арзигўнинг оилавий шароити билан танишилди ва ҳам таъминланган оилалар рўйхатига киритилиб, фарзандлари

Лола АҲМЕДОВА

АКШГА ЎҚИШГА

А К С Е П С

"Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти" дастури - 2000 йил. Ўрта мактаб ўқувчилари учун АКШ ўрта мактабларида ўқиш имконияти.

ЮСИА — АКШ Ахборот Хизмати ва Халқаро Таълим Бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС) ўрта мактаблар катта синфлари ўқувчилари учун 2000/2001 ўқув йили "Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти" дастурини эълон қилади. Бу дастур АКШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади.

Таъвоқда қатъийликлардан қуйидагилар таъаб қилмаган:

- Ўзбекистон фуқароси бўлишлари керак;
- 1984 йил 1 январдан 1985 йил 15 июлгача бўлган даврда тутилганлар;
- охириги 5 йил ичида АКШда 3 ойдан ортиқ яшамаганликлари;
- ҳозирги пайтда ўрта мактаб 9чи ёки 10чи синфларининг ўқувчиси бўлишлари;
- АКШга боришга виза олиш учун тўқсонликлар бўлмастлиги;
- инглиз тилида ёзишни ва оғзаки нутқни пухта билишлари шарт.

Агар сиз таъвоқда янгиликлар эътиборини истасангиз, сизга қуйидагилар бўяини керак:

- тутилганлик ҳақида гувоҳнома (асл нусха);
- бир донга фотосурат (3x4);
- ручка ёки қалам.

"АКСЕЛС" дастури ногирон ўқувчиларни танловда иштирок этишига тақлиф қилади.

Ўзбекистонда тастаур қуйидаги таъвоқ марказларида соат 9:00 да ўтказилади:

Андижон вилояти — Андижон шаҳрида **25 сентябрь** Вилоят Таълим Бошқармаси Қорақўлпогонистон — Нукус шаҳрида **25 сентябрь** Ўқувчилар Малакасини Ошириш Институтини Наманган ва Фарғона вилоятлари — Наманган шаҳрида **28 сентябрь** Наманган ДУ Бухоро ва Навоий вилоятлари — Бухоро шаҳрида **2 октябрь** Ўқувчилар Малакасини Ошириш Институтини Самарқанд, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари — Самарқанд шаҳрида **5 октябрь** Самарқанд Чет Тиллар Институтини Хоразм вилояти — Урганч шаҳрида **9 октябрь** Вилоят Ижодий Методик Маркази (Собик Пионерлар уйи) Сурхондарё вилояти — Термиз шаҳрида **9 октябрь** 13 мактаб Сидраё ва Тошкент вилоятлари — Тошкент шаҳрида **14 октябрь** Вилоят Таълим Бошқармаси Тошкент — Тошкент шаҳрида **18, 19 октябрь** ҳали маълум эмас.

А К С Е П С

Озодликни Қўллаб-Қувватлаш Дастури Олий ўқув юрталар талабалари учун АКШ университетларида ўқиш имконияти 2000

ЮСИА — АКШ Ахборот Хизмати ва Халқаро Таълим Кенгаши 2000/2001 ўқув йили учун Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини мамнуният билан эълон қилади. Ушбу дастурда олий ўқув юрталарининг 1-2 ва 3 курс талабаларига АКШда ўқиш имконияти тақдим этилади. Ўқини соҳалари: кишлоқ ҳўжаллиги/ташқи муҳитни муҳофаза қилиш, АКШ мамлакатшўнослиги, бизнес, иқтисодиёт, таълим/методология (2-ва 3-курс талабалари учун), журналистика, информатсион технология (1-курс талабалари учун), социология, сиёсатшўнослик.

В А С Т У Р В А :

- Ўзбекистон фуқароси бўлган;
- ёши 17 дан 23 гача бўлган;
- ҳўжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб борилиши вақтида Ўзбекистонда яшайдиган;
- ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;
- ҳўзирги пайтда бакалавр унвонини берувчи ўқув юрталарининг 1-3 курс талабалари;
- ўқини 2000 йил ёздан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичига ўтганлар ўқини бошланғичи кечиктириш ҳўқуқига эга эмаслар;
- АКШда ўқини учун бериладиган J-1 визасини олган кишилар қатнашиши мўмкин.

Туадирлаган мурўжатномалар барча лўзим ҳўжатлар билан бирга 1999 йил 10 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топшириляни лўзим.

А К С Е П С

"Эмуд С. Маски номдаги стипендия /Озодликни Қўллаб-Қувватлаш" Дастури Олий ўқув юрталарини битирганлар ва дипломли мутахассислар учун АКШ аспирантураларида ўқиш имконияти 2000

ЮСИА — АКШ Ахборот Агентлиги ва Халқаро Таълим Бўйича Америка Кенгаши 2000/2001 ўқув йили учун Эмуд С. Маски номдаги стипендия /Озодликни қўллаб-қувватлаш дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда МДХ фуқароларига АКШда бир ёки икки йил ўқиш имконияти тақдим этилади. Ўқини соҳалари: бизнесни бошқариш, таълимни бошқариш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш-ни бошқариш, иқтисодиёт, таълимни бошқариш, халқаро муносабатлар, журналистика, ҳўқуқ, кўтубхона ва ахборот фаолияти, давлат ва жамият бошқаруви, соғлиқни сақлашни бошқариш ва ижтимоий сиёсат.

В А С Т У Р В А :

- Ўзбекистон фуқароси бўлган;
- ариза бериш жараёнида ёши 40 дан ошмаган;
- ҳўжатлар берилиши ва танлов жараёни олиб бориш вақтида 15 қатнашчи давлатлардан бирида яшайган;
- олий маълумотга эга ёки 2000 йилнинг июль ойигача олий ўқув юртини битирадиган талабалар. Ҳўқуқ ихтисоси бўйича мурўжат этиши учун қатнашчининг ҳўқуқдан дипломи бўлиши шарт;
- ҳўжатларини топшириш пайтида ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган;
- ихтисос соҳасида мутахассислик қўбилияти ва нешқадам салоҳиятини намўйиш эта оладиган;
- ўқини 2000 йил ёздан бошлашга тайёр бўлган шахслар. Финал босқичига ўтганлар ўқини бошланғичи кечиктириш ҳўқуқига эга эмаслар;
- АКШда ўқини учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мўмкин;
- дастурни тўғатгандан кейин ўз ватанига қайтишни режалаштирган.

Туадирлаган мурўжатномалар барча лўзим ҳўжатлар билан 1999 йил 12 ноябрга қадар қуйидаги офислардан бирига топшириляни лўзим.

А К С Е П С

АКШда Илмий — Тадқиқот Ишлари Олиб Бориш Дастури 2000

ЮСИА — АКШ Ахборот Хизмати ва Халқаро Таълим Бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС) илмий-тадқиқот дастурини эълон қилади. Дастур МДХ давлатлари аспирантураларига АКШ университет ва институтларида илмий даража олмай илмий тадқиқот ўтказиш имконияти тақдим этади. Дастур қатнашчилари тўрт ёки олти ой давомида АКШда қуйидаги соҳалар бўйича тадқиқот ўтказиш имкониятига эга: АКШ мамлакатшўнослиги, бизнесни бошқариш (жўмладан, халқаро савдо, молия ва инвестициялар), таълим (жўмладан, университетларни бошқариш), этика ва фалсафа, ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар, давлат бошқаруви, тарих, саноятда меҳнат муносабатлари, информатсион технологиялар (интернет ва янги информатсион технологияларни олий таълимда қўллаш), журналистика, ҳўқуқ, кўтубхона фанлари, менежмент ва маркетинг, сиёсий фанлар, давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий ишлар, социология, хотин-қизлар масалалари.

В А С Т У Р В А :

- Ўзбекистон фуқароси бўлган;
- АКШ институтларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш имкониятига эга бўлмаган ва илмий фаолиятларининг бошланғич босқичидаги аспирант ва илмий ходимлар;
- ариза бериш пайтида (яъни, 1999 йил 15 ноябрга қадар) ёши 25 дан 55 гача бўлган;
- ариза бериш пайтида фан номзоди ёки ундан юқорироқ илмий даражага эга ёки номзодлик диссертацияси устида иш олиб бораётган;
- 24 ихтисосдан бири бўйича АКШ институтларида илмий-тадқиқот олиб бориши зарур бўлган;
- ёзма ва оғзаки инглиз тилини бемалол биладиган ва ҳаммасблари билан ҳамкорликда муетақил илмий-тадқиқот иш олиб бориш қўбилиятига эга;
- талланган ихтисос бўйича наши бор (аспирантлар учун курс иши бўлиши мўмкин);
- илмий-тадқиқот ишини 2000 йил августини ёки 2001 йил февралда бошлашга тайёр бўлган;
- АКШда ўқини учун бериладиган J-1 визасини олган барча кишилар қатнашиши мўмкин.

Туадирлаган анксталаур барча лўзим ҳўжатлар билан 1999 йил 15 асқабрга қадар қуйидаги офислардан бирига топшириляни шарт.

А К С Е П С

Инглиз тили ва АКШ мамлакатшўнослигини ўқитишда аъшочиллик мўкофоти дастури

АКШда қисқа муддатли маляка ошириш имконияти

Америка Қўшма Штатлари Ҳўкумати ва АКШнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирилиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон ўрта мактаблари инглиз тили ва АКШ мамлакатшўнослиги ўқитувчилари учун мўлжалланган Инглиз тили ва АКШ мамлакатшўнослигини ўқитиш аъшочиллик мўкофоти дастурини эълон қилади. Ушбу дастур бўйича танловнинг биринчи босқичида Республика ўрта мактабларида инглиз тили ва АКШ мамлакатшўнослиги соҳасида дарс берувчи ўқитувчиларнинг энг яхшиси аниқланади; иккинчи босқич гоилиблар нархи 200 АКШ долларига тенг бўлган индивидуал ўқув материаллари топшириляди; танловнинг энг сўнги босқичида миаллий гоилиблар аниқланиб, уларга АКШда олти ҳафталик ёзи малака оширишда қатнашиш имконияти бериледи.

В А С Т У Р В А :

- Ўзбекистон ўрта мактабларининг бирида (5-11 синфларда) инглиз тили ёки АКШ мамлакатшўнослиги ўқитувчиси бўлган;
- ўрта мактабда камиди 3 йил иш тажрибасига эга бўлган;
- 2000-2001 ва 2001-2002 ўқув йилларида ўрта мактабда ишлашни режалаштираётган;
- охириги беш йил мобайнида АКШ ҳўкумати ҳўмийлик қилган дастурларда қатнашиб Америка Қўшма Штатларига бормаган;
- олий маълумотга эга бўлган шахслар қатнашиши мўмкин.

Туадирлаган мурўжатномалар барча лўзим ҳўжатлар билан бирга 1999 йил 14 январига қадар қуйидаги офислардан бирига топшириляни шарт.

ТАЪЛИМДА ҲАМКОРЛИК

АКШнинг Ахборот Агентлиги (USIA) ва Халқаро Таълим Кенгаши ACIE/ACCELS Ўзбекистонда биринчи марта Таълимда ҳамкорлик дастурини эълон қилди. Бу дастурга гуманитар фанлардан дарс бераётган ва ижтимоий фанлар ҳамда фанлараро таълимот бўйича иш олиб борадиган ўрта мактаб ўқитувчилари, маъмурилари ҳамда педагогика институти ўқитувчилари муносабдор. Бу дастур тегишли ҳудуддан 10та ўқитувчига АКШда олти ҳафталик ёзи малака оширишда қатнашиш имконияти беради. Кейинги босқичда АКШнинг танловдан ўтган 2та ўқитувчиси Ўзбекистондаги ҳаммасбларининг мактабларига икки ёки уч ҳафтага сафар қилиб келадилар. Дастур танлови бир ёки икки тегишли ҳудудда босқичма-босқич ўтади; Ўзбекистондаги биринчи босқич 2000 йили Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятида бўлиб ўтади.

Таълимда ҳамкорлик дастури Таълим ва Маданий Дастурлар Бўроси томонидан маъвоқ билан таъминланади ҳамда Халқаро Таълим бўйича Америка кенгаши томонидан маъмурий бошқарилади. Гоилиблар очиқ танлов ёрдамида танланедилар. Танлов қатнашчилари қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:

- * Тегишли ҳудудда доимий яшовчи шахс бўлиши;
- * Тегишли ҳудуд ўрта мактабининг ўқитувчиси, маъмурий ходими ёки ўша ҳудуд педагогика институтининг ўқитувчиси бўлиши керак;
- * Ўрта мактабда ўқитувчи ёки маъмурий ходим сифатида икки йиллик тажрибага эга бўлиши;
- * Дастурда қатнашгандан сўнги камиди икки йил давомида ўрта мактаб ёки педагогик институтда ишлашни давом эттириш ниятига эга бўлиш.

Дастур иштирокчилари ирки, жинси, дини, миаллий ва этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи ва ногиронлигига қараб фарқланмайдилар.

Туадирлаган анксталаур барча лўзим ҳўжатлар билан бирга 2000 йил 29 мартга қадар қуйидаги офислардан бирига топшириляни шарт.

Ўқини ахборотни қуйидаги кўрсатилган малякат маркази ва офисларда олиш мўмкин:
Тошкент (371) 1522181 (86), Самарқанд (3662) 350274, Нукус: (361) 2228957,
Наманган: (36922) 62750, Бухоро: Тошкентдаги офисда мурўжат қилине.

Табиатан инсон дил ихзорини билдирадиган маҳрам дўста муҳтож бўлиб яшайди. Зеро фақат сўзлай билиш эмас, бировнинг дардини тинглай билиш ҳам ақл, заковат талаб қилади кишидан.

"Оила ва жамият" мадад ва маслаҳатқа муҳтож кишиларга эшигини кенг очмоқда.

Инсон тақдири нақадар ранго-ранг. Қисматнинг қалтис кўргуликлари сенга чап бериш пайида бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаёт-қураш, дейишадиган. Бу қурашда голиблик қисоламанган, оёқсоти бўлиб кетишинг мумкин.

К. исмли қиз ("Ундан бу гапни кутмагандим"-6-сон) бола-чақали эркакни яхши кўриб қолган. Бу гап жамоага аён бўлиб, дилсиёҳликлар бошланган. Бунинг устига ўша эркакнинг уқасидан совчи келяпти. Бўёғи эса боши берк кўча. Бояқш қиз зорланиб газетхонлардан маслаҳат сўрайди. Газетхонларнинг ақсари (улар орасида нафақахўрлардан тортиб талабаларгача бор) эса К.ни қоралашга, айблагашга тушадилар...

Лев Толстой ёзади: "Қиз болани алдаш чол ёки гўдакни ўлдиршидаги оғир гуноҳ. "Ун гулидан бир гули очилмаган қизни алдаб, авраб машум тузоғига илинтирган Азиз қасбонни қоралайдиган кишини эса учратмадим. Биз-эркаклар баъзан оний кайфиятимизни кўртариш ёки шаҳватимизни қондириш учун маккорликлар, мунофиқликлар қиламиз. Бу табиий эҳтиёж Одам Ато билан Момо Ҳаво қонимизга сингдирган. Шунинг учун ҳам, сингилларим, қизларим, дуч келган эркакка ишонверман! Менинг кузатишимча, бундай тузоққа кўп ҳолларда лақма, нодон қизлар тушиб қоладилар.

ЭШИГИМНИ ҚОҚДИ МУҲАББАТ...

Муҳаббат ҳақидаги мактублар ва акс-садолар юзасидан

Тагин бир мактуб ("Ёш бошимга шунча савдо"-36-сон) Атиги 16 ёшга кирган Н.исмли қизга ўзим ҳам ачиниб кетдим. У кўнгли кўйган йигитча шу йил 29 апрелда жонига қасд қилган. Энди эса қизга маломатлар қилишаётган экан, Гўёки марҳум йигитчадан боласи бўлиб қолган эмиш ва ҳақозолар.

Лекин асли касби тижоратчи бўлган бу қизнинг мактубида ҳақиқатлар борга ўхшайди. Мадомики, редакцияни сирдош дўст деб мактуб битган экан, ўзи ҳам самимий бўлиши керак эди у. Энг муҳими, йигитча нечун шундай йўл тутди. Бу ҳақда одамлар, терговчилар, докторлар нима дейишяпти. Ана шу хусусда заррача ҳам маълумот беришни эп кўрмаган у.

Мақкур мактубда менга эриш туюлган тагин бир хол ҳақида тўхталмоқчиман. "Оиласи яхши, мени тушунадиган 24-25 ёшлардаги йигит бўлса тегардим" дейди у.

Кўнгли кўйган йигитининг фожиеали вавотиға атиги олти ой ҳам бўлмай газетга шундай эълон беришдан ҳижолат бўлиши керак эди у. Майли, мен ҳам унинг яраланган юригига туз селмай кўялоқай...

Тошкент шаҳрида яшайдиган йигирма ёшли Наргиза ("Менинг қадримга етармикан?" - 36-сон) ёқтириб қолган йигит бир бор уйланган, боласи йўқ. Ўшанда ичкиликка берилган ва ўзининг айтишича, ҳозир озгига олмайдди. Совчилар келишяпти. Нима қилиш керак!

Назаримда, шошилмаслик керак, синглим. Буни ҳаёт дебдилар: ўрганган,

синанг. Бир бор ичкиликка берилган одамлар тагин унга мойил бўлишини ҳисобга олинг. Агар ота-онангиз рози бўлишса ва энг муҳими, дилингиз жирилласа рад этманг. Аёл фақат фарзандларингизга эмас, ўз турмуш ўртоғини ҳам тарбиялашга маъқум этилган. Ўша эркакни йўлга солишга ва бахтли бўлишига кўзингиз етса рози бўлинг!

Тошкентда яшайдиган 18 ёшли Мафтунага ("Қандай қилсам уни унутаман?" - 36-сон) нима деб маслаҳат беришни ўзим ҳам билмай қолдим. Зеро газетда босилган қисқа бир дил ихзорини ўқиб, "ундай қилинг", "бундай қилинг" дейиш осон албатта. Чунки ҳар бир-хат ёки воқеа остида айсбергларга ўхшаш ҳолат намоян. Мафтуна олий мактабда ўқийди ва шу ерда хоразмлик йигитни севиб қолибди. Йигит ўқишни битириб, ўз юртига кетибди. Энг ёмони, йигит оиладаги ягона фарзанд, қиз ҳам деярли шундай: онаси, синглиси бор. Энди ота-оналар қизни Хоразмга бериш ёки йигитни Тошкентга жўнатишга рози эмас. "Қандай қилсам, уни унутаман" деб савол беради Мафтуна.

Қандай қилиб унутишни ҳам айтарман. Аммо ундан олдин айтмоқчи бўлган гапим шунки, одамлар мамлакатдаги ва ҳатто ўзга миллат кишиларини севиб қолишгани ва уни унутмай висолиға етишганини биламиз: Менинг хоразмлик йигитга ва сизга айтадиган гапим шу: имкон излаш керак. Аслини олганда, эр қаерда бўлса, хотин ўша жойда бўлмоғи лозим. Ота-она эса ҳар қандай шароитда ҳам фарзандини кечиради.

Мен бунга бир неча бор ишонч ҳосил қилганман.

Энди икки оғиз эрта ёки кечикан севги ҳақида. Шунинг ёдда тутмоқ кераки, бировнинг бахтсизлиги эвазига қуриладиган аҳду паймон не-не маломат ва пушаймонларга айланиши табиий. Такрор айтман: ақли қиз ҳеч қачон бу йўлдан бормайди. "Мен ақлимга эмас, юрагимга қараб иш тутдим", - дейди шундай ноҳужа йўлга қадам қўйган қизлардан бири. Агар юрак ақли бўлмаса, у юрак эмас! Бундай пайта энг мақбул йўл- унутиш.

Бир аниқот олим ана шу ҳолларда унутишининг ўнғу усулини айтган эди менга.

"Бундай пайта севгилингизга анатомия нуқтаи назаридан қаранг. Яъни унинг қошлари ой ёки камон эмас, кишининг бошқа жойларида ҳам мавжуд бўлган тункинг ўзгинаси. Табиат пешонадаги тер оқиб кўзга тушмаслиги учун ўша ерга кўндириб қўйибди уни. Йўқ, унинг юзи ширмови нонга ёки гулга ўхшамайди, балки тўқималар, қон томирлари, асаблардан иборат бир парча гўшт, унинг ингичка беллигини ичида бадбўй ичаклар қалашиб ётибди..." ва ҳоказо...

Бу ҳудда ноҳуж рецелт, аммо начора. Самарасини эса ўзим синаб кўрганман...

Аслида мен ҳеч кимга бунақа севгини раво кўрган эмасман!

Азиз синглим, меҳрибон қизим! Эшигингизни ўша шоирлар жўшиб қуйлаган: жўшқин, эҳтиросли, бегубор ва боқий муҳаббат қоқсин, илоийм!
Нусрат РАҲМАТ

ИНСОФСИЗДАН ХУДО БЕЗОР "Тошдан қаттиқ экан бу бардош"-28-сон

Сингилжон!! "Эзгуликнинг кечи йўқ", - дейди доно халқимиз. Айтиб-сиз-ку, пул ҳам топиларкан, ҳамма қарзларимдан қутулдим. - деб

Дил ихзорингизда фарзандларингизнинг ўғилми қизлигини ё неча ёшга кирганини айтмасиз. Сиклишини бас қилинг! Матонатингизга балли. Энди наҳот фарзандларингиздан топилса ажаб эмас. Уларнинг тарбияси, ўқишига эътибор берингки, ўшалар инсоф-тавфиқли бўлиб "От ўрнини тойлар босипти" деганларидек, сизни келгусида меҳрга кўмишини, ардоқлайдиган бўлишини. Лекин опаларингизга айтар гапим бор: улар бу кетишга узоққа бормайди, Оллоҳнинг қаҳрига учраса ажаб эмас. Мусулмончиликда она-ота вақти келиб оламдан ўтган она-она, ака эса ота ўрнини босиши керак, яъни ўшалар вазифасини адо этишади. Бу ота-боболаримиздан қолган уду.

Менимча, опаларингиз мол-дунёнинг қули бўлиб ўлгайишибди, ота-оналар уларнинг тарбиясида кемтикликка йўл қўйишди. Уларнинг "бўкурлиги"ни энди гўр тузатади.

Алҳазар, опаларнинг бунчалик бемехрлиги, инсон қадр-қимматини пул билан ўлчашга ўзбекнага удумларимизга ҳам ётдир.

Бу воқеалар мени ҳаёт йўлиمنى эслашга, опа-сингиллик, ака-укалик бурчиға муносабат йўлидаги кечмишларни фикран тиклашга мажбур қилди: биз ҳам уч она-сингил, икки ака-укадан иборат эдик. 11 жаҳон уруши бошлангач, отамиз фронтга кетиб, онам 5 фарзандни ёлғизликда боққанлар. Отам уруш тугагач, ноғирон бўлиб қайтди. Турмуш қийинчиликларига қарамай, ҳаммамаиз иноқ, бир-биримизга меҳрибон эдик. Яхши нарсаларни биримиз бошқаларимизга илинардик. Раҳматлик ота-онамиз шунга ўргатган. Ўзимиздаги меҳр-оқибат фарзандларимизга ҳам ўтган.

Ўта меҳрибон қайнонам - Фотимабиби вафот қилганларидан куюниб йилгайверибман, йилгайверибман. Шунда отам уларига кетатуриб, менга сабр тиладилар-да: "Йиг-

лама, йигидан фойда йўқ, бунинг ўрнига қурыон тиловат қил, ўлим ҳақ, қайнонанг раҳматлик тўғри жаннатга кетдилар. Дунёда бундай яхши аёл кам топилади", - дедилар.

Ишим нима бўлади, боламни ким боқайди? - яна йилгай бошладим. - Мана синглинг Матлубани қолдириб кетамиз, сизлар унинг ўқишига, у эса сизларга ёрдам беради. Ўша пайтада 59-мактабда тил-адабиётдан дарс берадим.

Отам айтганларидек синглим қолиб ёрдам бера бошлади. Бир маҳал катта ўғлим Авазхон билан касалхонага тушиб қолди. Шунда врачлар унга қон қуйиш кераклигини тавсия қилишди. "Ўзимдан олиб қўйинглар", - десам, менинг ҳомилам бор бўлганлиги учун врачлар унашмади. Иттифоқо бизни кўришга келган синглим: "Мендан олиб қўйишга қолсин, опа", - деди иккиланмай, шундай бўлди ҳам.

Фарзандларимга бундай воқеаларни эслатаман, шунга кўра ҳозир ҳам синглим Матлубани онасидек ҳурматлашади.

Онам оламдан ўтгач, 3 кундан 4-кунига ўтмай, уйимизга кириб келарди синглим: "Энди Сиз ойм ўрнига онамиз, бирор ерга узоқроқ кетманг, узилиб қоламан", - дерди зорланиб. Менимча, онам нигоҳини соғиниб мендан излаган чоғи. Агар унинг уйимизга келиши кечикса, болаларимга ҳазил ила савол берадим: "Матлуба нега келмаптийкин, бирортанг ҳафа қилмаганмидинг?"

Келмасалар бу айбдорми? - сўрарди гинаоуз, қизлардан бири.

Ота-оналар фарзандлар набиралар орасига меҳр-муруват уруғини сочиши, бирини бирига жуда-жуда зарурлигини ҳаёт давомида ўқтириб бориши, улар ўртасидаги тотувликни яратади.

Ака-ука ва опа-сингилларнинг ўзаро тотувлиги юқоридаги кўнгли ўқислигига барҳам бериши табиий. Бугина эмас, оилада тўйми ёки бирор маросим ўтказишда осонликни туғдиради, етишмовчилик бўлмаслигига олиб келади.

Афифа ХАСАН ҚИЗИ

ДАРДИНГИЗГА МАЛҲАМ БЎЛИШНИ ИСТАРДИМ

"Юрак дарди мени қийнайди"-32-сон

Ҳурматли синглим Зиёдахон!
Сизнинг юрак дардларингиз битилган сатрларни ўқиб жуда ҳам таъсирландим. Сабаби мен ҳам ёшлигимдан оқ ҳалат қийган шифокорларга ҳавас қилардим. Тиббиёт билим юртини тугатиб, икки йил шифохонада юрак ва ўпка касалликлари бўлимида ҳамшира бўлиб ишладим. Шу икки йил ичида шифохонадаги ахвол, шифокор ва ҳамшираларнинг бефарқлиги, улардан шифо истаб, даданига даво излаб келган беморларга нисбатан қилинаётган қўпол, бераҳмларча бефарқлик мени жуда изтиробга солди. Буни устига яна аммам ва тоғамлар ҳам билимсиз, ўта бефарқ шифокорларнинг нотўғри таъхислари ва даволашлари натижасида бу дунёдан бевақт қўз юмишди. Шулар сабаб бўлдию, севган касбимдан воз кечишга мажбур бўлдим ва шу оқ ҳалат қийган инсонлар қиёфасида, бераҳм азроилларни кўрган-дек бўлдим.

Сизнинг ёш қалбингиз ҳам муҳаббат алангасида ёниб турган бир пайтада севган кишингиз дунёдан бевақт қўз юмибди. Бир фарзандни дунёга келтириш, воёга етказиш инсондан қанча соғлиқ, сабр-тоқат, меҳр-муҳаббат талаб қилди. Орамиздаги бефарқлик, лоқайдлик оқибатида қанча бегуноҳ инсонларнинг умри завол топмоқда, ота-оналар жигаргўшасидан, севганлар ёридан бевақт айрилмоқда.

Синглим Зиёдахон яхши ниятлар билан ўқиб шифокор бўламан дебсиз. Сиздан илтимосим ҳар бир беморни даволаётганингизда қўз олдингизда лоқайдлик қурбони бўлган Фарҳод турсини, бир дам ҳам бефарқ бўлманг. Сизга сабр-тоқат, бахт ва омад, соғлиқ ва шодлик доимо ҳамроҳ бўлсин.

Хоҳласангиз хат ёзинг, Сиз билан дўст бўлишга тайёрман.

**НИЛУФАР,
Тошкент ш. Ҳамза тумани.**

ЎЗ ОИЛАНГИЗГА ИСНОД КЕЛТИРМАН

"ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЙ?"-10-сон

"Оилалиман. Ширин-шакар икки фарзандим бор. Қишлоқдан шаҳарга ўқишга келдим-у, бир қиз билан танишиб қолдим. Бу қиз хотиним устига хотин бўлиб тегишга рози. Мен энди нима қилишга, қай йўлни танлашга ҳайронман"... Т.нинг мактуби шундай мазмунда эди.

Сиз оилали экансиз, йигит кишига шунинг ўзи катта масъуляти. Ахир Ватан оиладан бошланади-ку, ўз оиласига содиқ бўлгангиз, ўз ватанига ҳам содиқ бўла олмайдиган.

Никоҳ - бу сизга ўйинчоқ эмас. Никоҳ билан бир оила вужудга келади. Садқат, ғурур, ўз юртига, уруғ-аймоқларига содиқ бўлиш, ориятли ўзбек йигитларининг номига иснод келтирмаслик йигит ва қизларнинг бурчи.

Юртимизда ғўзал ва яхши қизлар жуда кўп. Оилали бўла туриб, яхши кўрдим деб, ёқтирган қизлар билан нопок ишларни қилаверасизми? Қани сизда диёнат, қани сизда лафз, қани сизда ирода! Камтаринман дебсиз, шу йўсинда адашсиз. Камтарлик инсоннинг фазилатлари ичида энг ғўзал фазилат. Камтарман деб ўзингиз кибр-у ҳаво қилибсиз. Камтарин киши ўз оиласига хиёнат қилмайди. Энди сиз яхши кўрган Д. исмли қиз

ва унинг онаси ҳақида икки оғиз сўз. Ақли ва ориятли, боқира қизларимиз хаттоки, севган қизи бор йигитга шилқимлик қилишни гуноҳ деб биладилар.

Сиз-ку, оилали экансиз. Оилали йигитга шилқимлик қилган қизни нима дейиш мумкин. Агар сизга улар чиндан дўст бўлишса, бу йўлдан қайтариб, ўз оилангизга садоқатли бўлишингизни насихат қилишган бўлар эди.

Сизга маслаҳатим: Ўз оилангизга қайтинг, ўз фарзандларингиз, уруғ аймоғларингиз ёнига қайтинг, уларга иснод келтирман!

Д. исмли аёл ва унинг онаси эса оилали йигитга шилқимлик қилиш, қандай оқибатларга олиб келишини ва ўзларининг айбини тушуниб етсин, бировнинг бахтига зомин бўлиб, қанча ориятли ва меҳрибон кишиларнинг нафратига сазовор бўлганлигини ҳис этсин.

**М. ХАЙДАРОВА,
Сурхондарё**

ТАЪРИҚЛАР ВА ЭЪЛОЛАР

Азиз дадажонимиз РОЗИКОВ ИСМОИЛ ЙУЛДОШ ўғли!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан чин дилдан табриқлаймиз. Умрингиз узок бўлсин. Ҳамиша набираларингиз роҳатини кўриб юринг.

Куёвингиз Дилшод, қизингиз Дилдора, набираларингиз Дурдона, Гулҳаё.



Хурматли Саъдулла СУВОНОВ!

Сизни 50 ёшингиз, Уқитувчилар ва мураббийлар куни билан қутлаймиз. Ижодингизга барака, оилангизга тинчлик тилаймиз!

Шогирдларингиз.

Тиббиёт фанлари номзоди Сайдалимов Ботир Султонхўжаевичнинг хусусий лор поликлиникаси қуйдаги беъморларни қабул қилади:

Ўткир ва сурункали тонзилитлар:
Ўткир ва сурункали отитлар:
Ўткир ва сурункали гайморитлар ва бошқа синуситлар:
сабабсиз йўтал, аденоидлар:
эшитиш заифлиги ва қулоқдаги шовқинлар:

томоқда ёт жисмини сезиш ва бошқалар.

Манзилгоҳимиз:
Лисунова 1"А", 14-уй, 1-хона. "Қадишев" автобекати қаршида

Автобуслар: 72, 42, 148, 49, 44, 45.
Иш вақтин: соат 16.00-19.00 гача.
Дам олиш куни - яқшанба.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади:

2 ойлик:
1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухорча
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона
Тел: 144-58-34; 58-48-50.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

Гиёҳлар ёрдамида озиш, семириш, ажинлардан фориғ бўлишга ёрдам берамиз

Тел: 199-31-98, 125-13-93, 46-49-54.

Бухгалтерлик курслари, квартал балансларини тузиш.

Тел: 35-17-71.

ЭШАКНИНГ ИБРАТИ

Ушбу қизиқарли воқеани бир танишим ҳикоя қилиб берганди: - Отамизнинг вафотидан сўнг биз ўғиллар отамиздан мерос қолган нарсаларни бўлишиб олдик. Менга отамларнинг эшаги тегди. Бақуват, йўрга, бир сўз билан айтганда отнинг ўзи. Уни миниб далага бормоқчи бўлдим. Кўчада кетаётсам эшагимиз маҳалламиздаги Исмат бобонинг дарвозасининг олди бориб тўхтади. Шунча никтасам ҳам юрмайди. Шу пайт Исмат бобо дарвозадан чиқиб қолдилар ва мен эшақдан тушиб у

К И Ш

К У Р И Ш

Дим. Дадамларни эслашдик. Сўнг яна йўлда давом этдим. Гузарга етсам, масжид эшиги олдида тўрт-беш чол суҳбатлашиб ўтиришган экан. Олисан салом бериб ўтиб кетмоқчи бўлдим. Эшагим бўлса тўғри чолларнинг олдига бориб тўхтади. Ноилоҳ эшақдан тушиб, чоллар билан кўришдим, ҳол-аҳвол сўрашдим. Яна дадамларни эслашдик.

Шу кунни то далага етгунча тўрт беш жойда тўхтаб, ишга кеч қолдим. Эшагимизнинг бу қилигига бир ҳафтагача чидадим ва охири амакимга бориб, эшақни сотиб юбормоқчи эканлигимни айтдим. Амаким ҳайрон бўлдилар ва нимага бундай қилмоқчилигимни сўрадилар.

Мен эшагимиз кўчада дуч келган кексаларнинг олдида тўхтаб қолаётганлиги, мен эса ноилоҳ ундан тушиб, чоллар билан гаплашишга мажбур бўлаётганимни айтиб: "Қошки, бу чоллар гапни тез тугатса, бир гапни икки-уч такоррлаб, ярим соатлаб вақтинми олишади", - дедим.

Амаким пича ўйлашиб турдилар ва сўнг хандон отиб қуддилар.

- Раҳматли акамлар кўча-кўйда тенглари, ўртоқлари билан дуч келиб қолганларида ҳол-аҳвол суриштириб, нарху


А Ж О Й И Б - Ф А Р О Й И Б

аво, обу аволар ўғрисида гурнглашмасдан кетмасдилар, Эшақлари ҳам шунга одатланиб қолган кўринади. Пайгамбаримиздан бир йигит келиб "Отам оламдан ўтдилар, уларни рози қилиш учун нималар қилсам экан", - дебди. Шунда Пайгамбаримиз Мухаммад Расулulloҳ "Отанг арвоҳини шод қилай десанг унинг дўстларидан хабар олиб тур" деган эканлар. Эшақ отангнинг дўстларини унутмай, улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб туршингни истаяпти. Эсинг бўлса, бу жониворни асраб-авайлагин. Тағин, ўзинг билсан-дедилар.

Шундан сўнг эшагимизнинг бу одати менга эриш туюлмай қўйди. То ўз ажали билан улғунича уни асраб-авайладик.

О. БЕГАЛИ

ЭЪЗОЗ



Агар инсон бир куни умрини сарҳисоб қилиб кўриб, ўтган кунларидан кўнгли тўлса у бахтлидир. Тошкент Давлат Техника университетининг "Метал кесиш станоклари ва асбоблари" кафедраси мудири, доцент Рихсибой Обидов бахтлилар тоифасига қиради. Танлаган соҳасига оид қатор илмий тадқиқотлар олиб борди. Истеъдодли шогирдлар етиштирди. Яна у ҳавас қилгудек оиланинг бошлиғи. Беш фарзанди элу-юртнинг эътиборли кишилари бўлиб етишдилар. Биз дўстлари эса кексалик наҳидасини суррадиган кунларга етган Р. ОБИДОВГА соғлиқ хушнуд кунлар тилаймиз.

Н. МҮМИНОВ, техника фанлари доктори, профессор.

ХУРМАТИМ, ОБРҮЙИМ ЖОЙИДА ЛЕКИН...

Мен ишлаб чиқариш соҳасида раҳбарлик вазифаларидан бирида ишлайман, хурматим ва обрўйим бор. Уқиш ва давлат ишлари деб, бир пасда вақт ўтиб кетди, оила қуришни ҳам ўйлаб кўрмабман. Ўзингизга маълум ўзбек қизлари ёши 30дан ошгандан сўнг "қари қиз" деган тамгани бўйниларига осиб олишади.

Аллоҳга минг қатла шуқурки, ота-онам соғ-саломатлар, акаларим, синглим, сирдош дугонам, дўстларим ва таниш-билишларим бор, доимо улар билан бамаслаҳат иш қиламан.

Ҳозирда мен мустақил яшайман, ўз уй-жойимга эгаман. Мен ҳам барча турмушдан ёлчиган бахтли инсонлар қаторидан ўрин олсам, дея орзу қиламан. Бялмадим, бу орзум ижобат этилармикан?...
Хаётга мендай қаровчи ўз бахтини излаётганлар бўлса танишайлик.

З.А.

"Оила 534"

Ўрта буй, истарали, муомаласи билан одамларга меҳрини намойиш этиб турувчи 25 ёшли аёл 32-35 ёшли (бита фарзанди бўлса ҳам майли), ўз турар жойига эга бўлган эркак билан оила қуришни хоҳлайди.

МАСЛАХАТХОНА

РИОЯ ҚИЛСАНГИЗ...

ЯҚШАНБА: Бу кунни уйдан уйга кўчмоқ ёмондир, ул уйга ўғри қиради. Бичиш, тиқиш ва кийиш мумкин. Соч, тирноқ олиш яхшилик келтирмайди. Қулоқ қичиса меҳмон келади. Кўз учса фойда келади. Фарзанд туғилса золим, дилозор бўлади. Яқшанба кунни туғилган ўғил болага Иброҳим ёки Сулаймон, қиз болага Халима ё Ойша деб исм қўйинг. Сафар қилиш ёки иморатга пойдевор қўйиш яхшиликка олиб келмайди.

ДУШАНБА: Бу кун уйдан кўчиш муборак ҳисобланади. Бичиш, тиқиш мумкин эмас: Агар ўғил фарзанд туғилса исмини Аҳмад ёки Мухаммад, қиз туғилса Фотима деб исм қўйиш лозим. Соч, тирноқ олиш, меҳмонга бориш ҳосиятгидир.

СЕШАНБА: Фам-ғуссадан халос бўлиш кунни. Тирноқ олиш бахтсизлик келтиради, олдингиз боғланади. Қулоқ қичиса садақа қилиш керак. Балодан халос бўласиз... Агар ўғил фарзанд кўрсангиз исмини Исмоил ёки Исоқ қўйинг, қиз бўлса Ойша бўлсин.

ЧОРШАНБА: Уйдан уйга кўчиш ёмондир, балога йўлиқасиз. Тирноқ олиш мумкин. Қулоқ қичиса, фойда келади. Кўз учса сафарга чиқасиз. Фарзанд туғилса ҳалол ва саботқадам бўлади.

ПАЙШАНБА: Бу кунда уйдан уйга кўчиш мумкин. Нима иш қилсангиз омад келтиради.

ЖУМА: Агар бу кунни уйдан уйга кўрсангиз меҳмон келади. Янги кийим кийсангиз сизга давлат келтиради, соч, тирноқ, олиш яхшилик белгисидир. Қулоқ қичиса уйга меҳмон келади. Ўғил кўрсангиз исмини Одил ёки Аҳмад қўйинг, қиз бўлса Ойша ёки Робия қўйинг.

ШАНБА: Уйдан уйга кўрсангиз беғам-беғусса бўласиз. Бахтингиз очилса, соч-тирноқ ола кўрманг, ишингиз орқага кетади. Қулоқ қичиса хушхабар эшитасиз. Кўз учса шод бўласиз. Фарзанд кўрсангиз ўғил болага Абдулла, қиз болага Марям деб исм қўйинг.

М. СУЛАЙМОНОВ тайёрлади.

ҚИРҚ БИР ЖОНИНГДАН ЎРТИЛАЙ АЁЛ

Аёлнинг жони 41 та дерлар. Шундан битта жон ўзиники, унга шубҳа йўқ. Уша биттаси ҳам мунглиг ва маҳзун. Қолган 40 тасини мушоҳада қилиб кўрайлик. Бардошдан яралган унинг бир жони. Бармоғига зирапча кирган бир эркак вой-войлаб ётганда, тишини-тишига қўйиб тўлғоқ азобини тортади аёл. Зирапчасини олдириб қўлларини боғлаб, дарди давомини тортаганда эркак, жон олиб, жон бериб қабр оғзидан дунёга қайтади, вой демай аёл. Эмишки, қуёш хароратидан иссиқ олиб эркак қўксини оталик меҳри билан тўлдирган Оллоҳ, ўзининг иссиқ меҳри булогидан аёл қўксига раҳмини солибди, ишқни солибди. Оллоҳ эркак бандасининг қўксига ишқ берган бўлса, аёл юрагига мўъжиза қилиб ўзининг илоҳий ишқидан ҳада қилибди. Шунинг учун дунёнинг энг катта мўъжизаси аёл муҳаббати-ю, она меҳри экан.

Аёлнинг 41 та жонидан бири унинг муҳаббати-ю меҳрида экан. Шундан-дир тунлари фарзанди қошида парвона аёл, шундан-дир меҳр-муҳаббати ҳаёт чашмасига айлангунича, оппоқ сут бўлиб қўкси узра болажонига келаётган келажак ҳамиша барҳаёт. Ўзи ема-сада болам есин деб, мен киймадим энди болам кийсин деб, мен кўрмаган

бахтни болам кўрсин, деб Оллоҳга илтижо қилади аёл. Куну-тун борлигини боласига бағишлаган аёл баъзида ўзи ҳам бир меҳрга, вафо-муҳаббатга ташна эканини ҳис қилади. Ширин-ширин таомлар тайёрлаб, йўқни бор қилиб, оиласи даврасида ҳар кечани байрамга айлантирадиган аёл, ўз жуфти ҳалоллини, қўш қанотининг кўчадан, кириб келишини кутади.

"Аданга салом бер, қўлларидан юкларини ол", -дея болаларини қаҳирган аёл кўрпача устига кўрпача солиб, ўз соҳибига меҳрини билдиради. Эр келгунича қошу кўзларига оро бериб, ярашган либосини эгнига олиб, елиб-югуриб турган аёл юраги биргина эътиборга, бир оғиз ширин сўзу нигоҳий арқалашга интиқ. Белисанда, маъносиз кўзларга боқиб, қандайдир илиқлик қидирган аёл нигоҳи кўзларини олиб қочаётган эрининг меҳрсиз қарашларида бўшлиқни, тўбсиз жарликни кўради. Яна хиёнат. Бу армонли дунёда бирорта бағри бутун аёл бормикан? Бир оний мажолсизликдан ҳушига келган аёл яна ҳечасига зўраки табассум олади. "Болаларим менинг эзилганимни сезмасинлар", -дея дастурхонга ширин таом тортади. Ха, "сабр таги олтин", -дейдилар.

Ким адашмаган? Эрининг вақтинча-

1999-АЁЛЛАР ЙИЛИ

лик кайф-сафоси деб, болаларини тиррик етим қилиш аёллик шаънига доғку. 41 та жонидан бири сабот, матонат, сабр эканини сезади аёл.

Бир машшоқ куйлаганидек "Қулиб туриб ўлиши мумкиндир аёл". Йўлларида неча-неча Мажнунни йиғлатган, Лайлидек бир илоҳий ишқ эгаси шу аёл юрагидан куйдаги мисралар қўйилиб келаверади:

Аёллигим-юмшоқ диллигим,
Оналигим Сизни кечирди.
Ҳам ёшлигим, минг бардошлигим,
Жондошлигим Сизни кечирди.
Кўзим кулса ишонманг,
Дилим йиғлайди Бегим.

Менга ишдан дostonлар тўкиб,
Раъноларга гул тутган ҳам Сиз.
Садоқатдан эртақлар ўкиб,
Ёт қучоқда тонг кутган ҳам Сиз.
Кўзим кулса ишонманг,
Дилим йиғлайди Бегим.

Сиз сафарда экан чоғларда,
Чашми гирён йўл кутган ўзим.
Хиёнатда, бағрим доғларда,
Омонатда жон тутган ўзим.
Кўзим кулса ишонманг,
Дилим йиғлайди Бегим.

Муборак СУЛТОНОВА,
Тошкент тиббиёт билим юрти ўқитувчиси

(Боши ўтган сонларда)

Синглимнинг сўзларини эшитарканман қотиб қолдим. Шу пайт хошларимдан бири мени аям чақираётганилигини айтди. Аччиғимни ичимга ютиб нариги хонага ўтдим. Аям кўрпа-тўшакда ётган эканлар, мени кўриб сал юзлари очилиб қарадилар, ўпиш учун энгашганимда аяжоним мени бағриларига тортиб қучдилар, билмадим онамнинг иссиқ меҳрлари бағритош қалбимни эритиб юбордимни, бехосдан йиғлаб юбориб аямни баттарроқ қучокладим. Негадир энди-энди, синглимни аччиқ сўзларидан сўнг, онамни эркалаб бағриларига босганларидан кейингина мен ўзлигимни англай бошлагандим.

Йиғлама қизим, кўй болам, сендек мағрур қизга, кимсан суд ҳақамизга, прокурорга йиғлаш. Кўз ёш тўкиш ярашмайди.

Аяжонимнинг бу сўзлари баттар мени ер билан битта қилди.

Аяжон, мен... гапирилмасдим, юрагимдан тўлиб-тошиб келаётган мағрурликнинг чекинган йиғисини, сел бўлиб қуйилаётган тош юрагимнинг титроқ оҳанги мени гапиришга қўймади.

Синглимнинг гапидан хафа бўлма қизим, ҳақиқат ўзи шунақа аччиқ бўлади, у инсонни аввал жунбушга келтириб, сўнг йиғлатади. Буни юрист сифатида мендан кўра ўзинг яхши тушунасан-ку!

Аяжонимнинг сўзларини таҳлил қилишга ҳожат йўқ эди, тўғри сўзини садақаси кетсанг арзийди, деганларидек ўша онларда тўғри сўзнинг нақадар бебаҳолигига, кишининг кўзини очиб ҳаётда қандай яшашга, яхши-ёмоннинг фарқига етишга ўргатишга амин бўлдим. Синглимнинг сўзлари, дадажонимнинг илтижолари, одамларнинг гаплари менинг қилмигимни, қандай инсон эканлигимни, қандай инсонлигим бўлиши- аксини н қозоғиза шундоқ туширигандек чиқиб берган эди.

Дадамнинг маъракаларини ўтказиб бўлгач хомуш уйга қайтдим. Ёлғизлигимни мададорларим, суянчиғларим-

дан йироқдалигимни илк бор ўшанда сездим. Ҳаётимда бирор марта ўқиниб ёхуд қисинганимдан йиғламагандим. Ўша тун тўйиб-тўйиб йиғладим, лекин нима у ч у н

Йўқ, бугун эшитиб билдим, - деди врач касаллик тарихини узатаркан.

Нега жиддий ёрдам кўрсатилмади ёки албатта мен сизларга

ЧИМИЛДИККА КИРМАГАН КИЗ

ТУРМУШ САБОКЛАРИ

Йиғлаётганимни ўзим билмасдим. Ўттиз икки йиллик умрим бехуда ўтганиданми ёки дадажонимдан ажралганимданми, синглимнинг аччиқ сўзлариданми ёки шум тақдиримнинг бахт, висол, оила, севги дея аталмиш сўмоқларига боғламаганиданми, нима учун, не сабаб кўз ёш тўқанимни эслотмайман.

Эртаси эрталаб ўз ишхонамга бориб, ўша кунги, дадам жон берган дақиқаларда бўлган навбатчи врачни прокуратурага яъни кабинетимга чақирдим. Бир соатлардан кейин ранг-рўйи ўчиб, оқариб кетган девдек келбати эркак киши келиб ўзини шаҳар касалхонасида врач бўлиб ишлашини билдирди.

15 август куни сизни навбатчилигингизда бандаликни бажо келтирган М. аканинг касаллик тарихини олиб бош врачингиз билан бирга бир соатдан кейин етиб келасиз, тушундингизми? дедими худди отамни у ўлдирган деб еб қўйгудек бўлиб қараб.

Хўп опахон, хўп бўлади, тушундим. Икки соат ҳам ўтгани йўқ улар етиб келишди.

Улган инсон мени отам бўлади, шуни билармидингиз?

буйроқ беришим керакмиди?!

Кечирасиз опахон, ҳечам ундай эмас! Биз дўхтирларимиз, бизга инсонларнинг ҳаёти ишониб топширилганми демаяк у оддий кишлоқ фуқаросими, ҳокимими ёки сизнинг отангизми бизга фарқи йўқ. Ҳаммага бир кўз билан қараймиз, барчага бир хил, тиббиёт қонунинда қандай кўрсатилган бўлса шундай ёрдам кўрсатамиз. Сизнинг бу сўзларингиз касбимиз ва шахсиятимиздан ҳам кўра бизнинг содиқ қасамимизга билдирилаётган салбий фикр деб ҳисоблайман.

Менга қаранг, дедим жаҳл билан кичкириб ўрнимдан туриб кетиб. Врачнинг ҳеч кўркмасдан гапириши менинг жаҳлимни чиқарганди.

Қаерда, кимнинг кабинетинида ўтиргангизни унутманг.

Бу борада хафа бўлманг, прокурор опа, асло унутлолмайман, чунки мен ўзимга тўғрима.

Мен хоҳласам сизни айбингизни бир соатда топтираман, шуни эсингиздан чиқарманг оддий одамлар бошқа мени отам бошқа, унга яхшироқ қарашингиз керак эди.

Опахон, - дея бош врач бизнинг

тортишувимизга аралашди, - қўйинг, бу врачимизнинг ҳеч нимадан хабари бўлмаган, уни гуноҳидан ўтинг.

Менинг отам ўлада-ю, уни гуноҳидан ўтаманми? - газаб билан қарадим.

Йўқ гуноҳимни қандай кечирмоқчисиз?

Гап қайтарманг, - бақириб юбориб столни муштладим.

Овозингизни баланд қилманг! Сиз ҳам мен ҳам оддий инсонларимиз, фақат фарқимиз, шундаки сиз кресло эгаси, прокурорсиз, мабодо осмон ғизда бўлса ташлаб куйиб юборинг!

Врач аччиқ билан кабинетдан чиқиб кетди. Бош врач қоқулай аҳволда қолганлигидан менга қарай қолмасди.

Уни ўрнига мени кечиринг прокурор опа, уни феъли ўзи шунақа, ноҳақлик қилинса қизишиб, кўтарилиб кетади.

Сизнингча мен ноҳақлик қилдимми? - дея газаб билан сўрадим бош врачга еб қўйгудек бўлиб кўз таги билан қарарканман. Бош врач саволимга жавоб тополмадими ёки яна бирикки оғиз гапирса ўзи ҳам жавобгар, айбдор бўлиб қолишдан, ёхуд креслодан айрилишдан қўрқдимми оғизга талқон солиб олгандек жим бўлиб қолди.

Сизга уч кун муҳлат, ундай бетгачопар врачни йўқ қилин!

Уни йўқ қилсак кейин унақа малакали врачми...

Мени гапим сизга тушунарсиз бўлдимми?

Бўлди тушундим, айтганингиз албатта бўлади.

Тўғри қилдимми, нотўғри қилдимми билмасдим. Отамнинг ўлимини кўтаролмадиларми бир йил ўтар-ўтмас аяжоним ҳам қазо қилдилар. Орадан икки ойлар ўтиб укам менга бир сумка билан хат олиб келиб берди.

Нима бу, ким берди? - хайрон бўлиб сўрадим укамдан.

Аяжоним ўлимлари олдида шуни сизга элтиб беришимни тайинлагандилар.

(Давоми бор) Дилшоҳ Қўлдошев

ЯШАГИМ КЕЛАДИ, АММО...

Яқшанба куни эди.

Бундан бир неча йил муқаддам ўрта мактабни тамомлаб кетган М. исмли қиз йўқлаб келди. Юзлари сўлгин, паришон, кўзларига чексиз ғам... Жуда ҳам тушун қиёфада. Уйга тақлиф қилиб, хол ахвол сўрадим. У ёшли кўзлари билан менга боқиб:

Муаллим, қизлар мажлисини ўтказган пайтингизда мен жуда кўп йиғлаб ўтирганман. Сизнинг: "Қиз бола ойнадек жуда нозик бўлади, ойнани ноҳосдан синдириб қўйсангиз, уни ямаб бўлмайди. Узларингизни авайлаб-асранглар. Агар қиз бола номусини поймол қилса бир умр тавқи-лаънат бўйнида бўлади", - деганингизда фақат қон бўлиб тинглаб ўтирдим. Сизмасдингизми?

Йўқ, қизим. Ахир сизлар жуда кўпчилик эдиларингиз... Балки пайқамаяндирман. Нима бўлди ўзи.

Нима қилай, ёрдам беринг. Бундан буён қандай яшай. Фақат сиз менга тўғри йўлни кўрсата olasиз... Нега марта ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим... Онамга ичим ачиди... Уйлаб-уйлаб олдингизга келдим. Майли бугун мен сизга ҳаммасини айтаман, лекин опахон мени йўл кўрсатинг. Ичим қон-зардобга тўлиб кетди. Чидайлолмайман.

Саккизинчи синфда ўқирдим. Биларсиз, дадам жуда узоқ-узоқларга командировкага кетарди. Онам боғчада ишлайди. Оилада икки ўғил, икки қиз эдик. Акам Бақир хунартехника билан юртида ўқирди. Тўқликка шўхлик қилиб ўғирлик қилиб қамалди. Дадам йўқ. Онам қийналиб таниш-билишни ишга солиб чиқариб олди. Укам ва кичкина сингилчам онам билан боғчага боради.

Ўша мудҳиш кунни эсласам юрагим орқага тортиб кетади. Онам кеҳкурун сингилчам Лолани олиб катта онамлар-

никага кетди. Кечаси... опахон, қандай айтиш, қайси тил билан айтиш. Акам кеҳкурун ўртоқлари билан "Видео" олиб келиб аллақандай бачкана киноларни кўрди. Арақ ҳам ичишди. Кечаси ширин уқулда ётган эканман, бирданига кучли йиғлар мени ечинтираётганини сезиб дод солдим... Аммо кучим етмади. Ўз акам... менинг ҳаётимни барбод қилди. Додлаб йиғлардим. Акам деб аташга ҳам тилим бормайди энди. Номард бир инсоннинг жаҳолати қурбони бўлиб қолдим. Эрталаб онам келди.

Кун бўйи йиғлаб ётдим. Бақир кечасиёқ йўқ бўлди. Чидай олмасдим, онамга айтдим. Бечора онам бир ўлиб, бир тирилди... "Жон қизим, тилингдан чиқмасин, биров билмасин болам, илоё акангни ер ютсин болам" деб ер муштраб қаргади онам. Ҳеч кимга дардимни айтолмадим. Мен учун азобли кунлар бошланди.

Ўзимни таҳқирланган, ҳақоратланган сезаман. Ҳўшим ҳам сусайди. Бунинг устига акам: "Опахон, мен ҳеч нарсани билмайман. Ҳўшим ўзимда эмасди, ўртоқларим менга уша чекдирди", деб йиғлагач, Бақирни яна уйга қўйди. Юзини кўришни истамайман. Ховлида дуч келиб қолса, тупуриб олдидаман ўтаман. Ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Лекин онамни, дўстларимни кўзим қиймади. Яшашни истайман. Қанчадан-қанча орзуларим бор эди...

Дадам командировкадан қайтди. Онам айтишга қўрқди. Лекин рангимда қон йўқ. Еганим ичимга тушмас эди. Қўлим ишга бормасди. Онам дадамга менинг соғлигим яхши эмаслигини айтгач, хавотирланиб касалхонага олиб бормоқчи бўлдилар. Кўнмадим. Шу тарика кунлар ўтди. Ичимдан бир нарса узилиб кетгандек юравердим. Бу орада акам ўғирлик қилиб, яна қамалиб қолди. Дадам билан онам уни қутқариш учун

елиб-югуришди. Мен эса унинг ўша ердан чиқмаслигини тилардим. Ҳамма гап кейин ўн биринчи синфда ўқиётганимда бошланди. Маҳалламизда яшайдиган Умид исмли йигит билан дўстлашиб қолдим. У қўшқайтар. Тўй-ҳашам у сиз ўтмасди. Оилалари ҳам яхши. Ота-онаси ҳам бадавлат инсонлар эди... Хуллас ўша йигитга кўнгил қўйдим. У ҳам мени ёқтириб қолди. Уйимизга совчи қўймоқчи бўлиб юрди. Бир куни учрашганимизда унга:

Агар сиз яхши кўрган қизингиз сиз уйлаганчалик бўлиб чиқмаса, бу ҳаётда хатога йўл қўйган бўлса, нима қилардингиз, - деб савол бердим. Аввалига, у саволимга эътибор бермади, лекин кейин уйланиб қолди. Кейин шу саволни берганимга ўзим ҳам пушаймон бўлдим. Балки у мендан шубҳаланиб қолдимни,

бошқача муносабатда бўла бошлади. У мендан нима сабабдан шундай савол берганимни боисини сўрай бошлади. Уни алдамоқчи эмасдим, ёлгон гапириб нима ҳам қилардим. У эртага менга уйланг, аммо мен ўшанда қандай йўлга тушаман. У-чи? Кейин барибир мендан юз ўгиради дедиму, бир кун унга тўғриси айтдим.

Ҳақиқатдан уни яхши кўришимни, бошқа ҳеч ким билан юрмаганлигимни исбот қилиш учун бор ҳақиқатни йиғлаб, қуйиб-ёниб айтдим... У менда айб йўқлигини тушунди. Лекин бу билан менга бор ҳақиқатни билгач, энди уйланади деган гап эмас-да. У бутунлай ўзгариб кетди...

Қўпол, асабий, бефарқ йигитга айланиб борарди. Ичкиликка берилди. Мени ҳам ўз ҳолимага қўймас, бор аламини гўё мендан олаётгандай эди. Бир куни мулоимлик билан мени туғилган кунига тақлиф қилди. Бордим. Зиёфат туғатгач мени қолгин деб қистади. Уйларига ҳеч ким йўқ эди. Ота-она-

ТАҚДИР

си ёшлар ўзи яхши ўтирсин деб қариндошлариникига кетган. Кичик укалари бор эди. Хуллас ўша куни у билан бирга қолдим. У менга: "Сен айбдор эмассан, акам қамокдан келса ҳам барибир ўлдирарман. Сен мени қилсан. Уйларингиз совчилар эртага боради", - деб юпатган бўлди. Ишондим. Эрта тонгда у мени уйга кузатиб қўйди. Онамни "дугонаникида эдим" - деб алладим. Кун бўйи йиғлаб ётдим. Унинг "ширин" сўзларига учиб, ўзимни бадном қилганимга, у энди менга ҳеч қачон уйланмаслигини билардим. Билиб туриб ўзимни қурбон қилдим. Айтганимдай бўлиб қикди. У уйимизга совчиларни ҳам юбормади.

Яқинда у менга: "Ота-онам мени уйлантирмоқчи, бир қариндошимизнинг қизига бориб қўйган экан. Ҳамма рози, икки томон ҳам келишишибди. Уларга бир нарса ҳам дея олмасдим. Иложим қанча... Уйланиб олай, ёқмаса уни қўйиб юбориб, сенга уйланаман. Сен билан учрашиб юраверарман. Йиғлама хоҳласанг яширинча яшаб юраверармиз", - деди.

Тўғриси ўша куни ҳаётинг зарбаси, ўз акамнинг қабоҳати етмагандек, ўзим ҳам катта хато қилганимни сездим. Энди нима бўлади? Эндиги тақдирим нима бўлади. Ҳеч нарсадан баҳабар дадам билса, онамнинг аҳволи не кечаси.

Нима қилай, опахон. У энди уйланди, менга қайрилиб ҳам қарагини йўқ... Аҳён-аҳёнда кўнглимни кўтариш учун гапирган киши бўлади. Ўқимоқчи, ишлармоқчи бўламан, қўлим ишга бормайди.

Қиз ўзини тутолмай увос тортиб йиғларди. Ҳаётнинг зарбаларига дуч келган қизга ачиндим. Унинг изтиробларини, тушқунликка тушган қиёфасини кўриб юпатмоқчи бўлаялман-у, энди қандай йўл тутиши кераклиги ҳақида уйлаб қолдим... Сиз нима маслаҳат берган бўлардингиз, азиз муштарийлар?!

Ҳафиза ЎСАРОВА, Самарқанд вилояти, Жомбой тумани

ЖАСОРАТНИНГ УМРИ УЗУНДИР



ҚИЗЛАРИНГИЗ КЎРГҮМ КЕЛАДИ

Тўлғонаман ер каби жиссим,
Титроқлари тошдек ёрилар.
Умрим-қалбим қадоқларидан,
Шимиб ётар дармон дорилар.

Ол шафақнинг рангида кўрдим,
Қароғимнинг шўр озорини.
Қирғоғидан нур эмиб ўйнаган,
Киприқларим лозазорини.

Тонг йўлида йиғлаб изимдан,
Гул терар бахт саҳобалари.
Бугун менинг кўнглимдан обод,
Кўҳна шарқнинг харобалари.

Мен заминга сингайми айтинг,
Самовий ашк тахтига чиқай.
Мухаббатга тутдим қалбимни,
Янги оят битилган нурдай.

Фақат пушти шафтоли гулин,
Ғунчасидек шивирлар лабим.
Баҳорлардан қизганди мени,
Мен дунёга нима қилгандим.

* * *

Кўзларингиз кўргим келади,
Тонг бўлса ҳам, оқшом бўлса ҳам.
Бир ўт нигоҳ, қатра меҳрингиз,
Насиб этмиш гумон бўлса ҳам.

Кўзларингиз кўргим келади,
Икки фасл бириккан чоғда.
Бинафшанинг атрига чўлғаб,
Тун кечани қолдириб доғда.

Кўзларингиз кўргим келади,
Кўксим соғинч ичра лағча чўғ.
Чирс-чирс ёниб туташур таним,
Кўзингиздек бир ҳалоскор йўқ.

Кўзларингиз кўргим келади,
Хоҳишимга бўйсунмас магар.
Мен-ку сизни толиб бораман,
Нега йўлим тўсади шаҳар.
Кўзларингиз кўргим келади.

Жумагул СУВОНОВА



1999 йилнинг 6 июн - якшанба тонги...
Тўрт-беш қўшни бола-чақалари билан табиат бағрига-Сирдарё соҳилига отланишди.
Уларига соя-салқин жойлардан ўрин қилишди. Келтирган қозонларини охишди, дастурхон ёзишди. Ўйин-кулги қилишди. Хеч нарса олдиндаги фалокатдан хабар бермаётганди.

Кун қизий бошлаётган, қизлар дарёга чўмилгани югуриб кетишди. Ота-оналар уларни чуқур жойда чўмилмасликларини тайинлаб қолдилар ва кўз-қулоқ бўлиш учун Бахтиёр ва Шахбоз (айрим сабабларга кўра исми ўзгаририлди)ни юборишди.

Сирдарёнинг саёз жойида чўмилаётган 17-18 ёшлардаги Зилол ва Замира, Хилола, Мадина, 13 ёшли Севара, 11 ёшли Хилоларлар учун дарё фақат ором маскани эди.

Замира ва Зилола чуқурроқ жойларга сузиб боришга қорлай бошлади, дугоналарини кўлларида тортиб етти киз соҳилдан узоклаб кетишди.

Кизларимизга бир гап бўлганга ўхшайди, - деди Бахтиёр соҳилдан анча нарида сув юзига қалқиб чиқиб яна кирайиб кетаётган қизларни кўриб.

- Биз борганимиз билан қўлимиздан бир иш келмайди, ўзинг бир иложини қил, - дейишди Бахтиёрга хамроҳлари.

Бахтиёр кийимни ҳам ечасдан ўзини сувга отди. Қизлар етиб келган Бахтиёрга осилишди. Бирдан ёпишган тўрт кизни Бахтиёр бир ўзи эплай олмасди. Аксинча, қизлар билан бирга сув остига бир неча бор шўнғиб чиқди. Охири бўйнига ёпишган кўлларни олиб ташлаб, икки қизни саёз жойга етказди. Саёз жойда тиззасига гача сувга тушган Шахбоз уларни тортиб олди.


Бахтиёр яна ортага ҳаёт-мамонт билан олишаётган беш қиз томон сузиб кетди. Буни қарангки, беш қизнинг ичидидаги ўз синглиси Севарани биринчи бўлиб олиб чиқиш хаёлига ҳам келмас эди.

Бахтиёр бу гап ҳам икки қизни соҳилга етказиб борди. Сув оғушида қолган уч қиз, уларнинг орасидаги синглиси Севаранинг додлагани уни яна ортага қайтарди. Бу гап у 18 ёшли Зилолани олиб чиқа бошлади.

... Зилола сувдан чиқаётиб, сирпаниб кетди ва оёғи билан ўзи билмаган ҳолда

Бахтиёр аканинг юзига тепиб юборди. Биз буни қирғоқдан кўриб тургандик. Шундан у хушини йўқотиб чуқиб кетган бўлса керак (11 ёшли Сурайёнинг гувоҳлигида).

Шу пайт бақир-чақир яқин-орада дам олгани келган ўспирин болалар Нозим



Маҳмудов ва Қобил Имомов етиб келишди. Соҳилда турганлар сувдаги икки қизни кўрсатишди.

Хавф-хатар орда қолди. Аммо Бахтиёрдан дарак йўқ эди. Қадри олтиндан да фанимат дамлар ўтиб борарди. Бахтиёр чуқиб кетганлигини катталарга бориб айтишга юраклари дов бермас: сокин Сирдарё эса Бахтиёрни қайтариб бергиси келмасди.

Бозорбой ака марҳум ўғлининг жанозаларини ўтказар экан нақд ўлим чангалидан омон қолган қизларнинг ота-оналари келиб таскин-тасалли берармикинлар деб йўл қаради. Тижорат билан шуғулланганидан бери камёб молни қайдан топишга қайга олиб боришни яхши ўрганиб олган Бозорбой ака меҳр-муҳаббат ҳам жуда ноёблашиб кетганлигини ҳис қилди. Қайси бозорда сотиларкин у? Ё меҳр деганларини ҳам энди Хитой тарафлардан олиб келамиз чоғи? Аммо, дилга бир таскин бор. У ҳам бўлса, Бахтиёр қолдирган яхши хотира. Қимки бу хона-

донга кўнгул сўраш учун келса Бахтиёрнинг ажайиб фазилатлари ҳақида сўзлар, унинг жасоратиға офаринлар ўқирди.

Бахтиёрнинг болалигидан бери билан, - деди яқинидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланган, Бекобод шаҳар миллий Қаратэ Федерацияси Президентини Абдумўмин ака Абдумавлонов, - Иродали, бир сўзли йигит эди. Бакуват йигитнинг табиатдаги ўзгалар қайғусига шериклик, бировнинг оғирини енгил қилиш, кўпчилик ишига камарбасталик қилиш истаги кучли эди.

Бахтиёр Шарипов омон бўлганида 2 июл куни 19 ёшга тўлган бўларди. Ангрэн шаҳридаги лицейни битирганди. Бахтиёр таълим олган 8-сонли ўрта мактаб ота-оналар қўмитаси ва Тошкент вилояти Бекобод тумани Зафар кўрғони маҳалла қўмитаси Бахтиёрнинг жасоратини ва хотирасини абадийлаштиришни, уни ҳукуматимизнинг юксак мукофотларидан бирига таъсия этилишини сўраб тегишли ташкилотларга мактуб йўллашди.

Йигит кетса ёш, ортидан дод қолади, Мардлик қолиб, хиёнатлар мот қолади. Изларини тавоф қилар мажнунтоллар. Эл ёдида нурли хотирот қолади.

Сарполарин таҳи энди бузилмасми? Онажонин кўзидан ёш узилмасми? Фазанда доғи шунчалар ҳам тузалмасми: Едгор бўлиб на тирнок, на зот қолади?!

Қиз бировнинг, ўғил эса элникидир, Наъра тортиш арслон билан селникидир, Азаллардан шоҳи белбоғ белникидир, Номардлардан юртига иснод қолади.

Хонатласнинг чиройидир арқоқ билан, Бу ҳаётнинг лаззати дўст-ўртоқ билан. Хамроҳ қилма йўлини ҳеч кўрқоқ билан, Дўстман дея то айлиниб ёт қолади.

Садокатлар энг яхши дўст сафарларда, Яхши ният дилга дўстдир саҳарларда, Бизлар кутган, бизлар қучган зафарларда, БАХТИЁРнинг номи бораҳаёт қолади!!!

Оллоёр БЕГАЛИЕВ,
шоир, Усмон Носир мукофоти совриндори.

КОИНОТДА ЁЛГИЗ ЭМАСМИЗ

Кейинги йилларда матбуотда, радио ва телевидениеда ўзга сайёралик келгиндилар тўғрисида кўп ёзилди. Бироқ уларнинг мавжудлигига биров ишонмади, биров йўқ.

Альберта штатида яшовчи Роман Пидларга ўзини ўта реалист ҳисоблагани учун ўзга сайёраликлар хусусида зшитганида мийиғида қўлиб қўярди. Чунки у қўли билан ушлаб кўрмаса ишонмайдиганлар хилидан эди-да.

Бир кун у узок сафардан қайтаётиб машинасини ёқилги қуйиш шохчаси томон бурди. Бакни тўлдириб ёқилги қуйдириди. Вақт кечга яқинлаб қолганди. Роман уйга етиб олиш учун тунда бўлса ҳам йўлга тушишга қарор қилди. Рунда ўтиравериб эса осон эмас. Чарчаган Роман оёғининг чигалини ёзиш учун "понтак"ини йўл ёқасидаги дарахтзорлар ёнида тўхтатди. Машинадан тушиб у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Шунда нимадир ой юзини бир зумга тўсди. Роман бошини кўтарди-ю, қотиб қолди. Самода жуда улкан гайқасимон жисм овозсиз харакат қилиб юрарди. "Гайка" пастлади ва Романинг атрофида катта айлана ҳосил қилиб уча бошлади. Роман кўрқиб кетди ва ёнидан тўппончасини чиқариб унга тўғрилади. "Гайка" яна юқорилади ва шимолий-ғарб томонга қўздан йўқолди.

Роман енгил тин олиб машинасига ўтирди. Ажабо қанча уринмасин машина мотори ишламасди. Салондаги чирок ҳам ёна қолмади. Аккумулятор тўлиқ "ўтириб" қолибди. Роман бензин бақини очиб кўрди: ичкарида фақат бензин ҳиди қолганди, холос. Машина остига кириб кўрди: ҳеч қаерда бензин изи йўқ. Худди бензин умуман бўлмагандай...

Роман эрталабгача кутиш кераклигини тушунди. У тўппончасини тиззасига қўйганича мудрамоқчи бўлди. Унда яна иккилашни пайдо бўлди. Тўппончасини чиқариб ундан бир дона ўқ олди. Ажабо, ўқ гилзасидан кўрғошин енгил ажралиб чиқиб кетди. Гилза ичида умуман порох йўқ эди...

КЕМАНИ КИМ ЮТДИ

Бутун-бутун кемаларни ютиб юборадиган аждаҳолар ҳақида эртақлар эшитганмиз. Аммо инглизларнинг "Дейли экспресс" газетаси ёзган нарса асло эртақ эмас.

Буюк Британиянинг яп-янги сувости кемаси гаройиб қопқонга тушиб қолди. Кема Атлантика океани бўйлаб 30 фут чуқурликда тўлиқ, сузиб бораётган эди. Кеманинг двигателлари бор кучи билан ишлашга қарамай кема бир нимага елимлаб қўйилгандай жойидан қилмай қолди. Аҳвол оғир бўлиб қолди. Фақат тўртинчи кунгига кемани нимадир сув юзасига отиб чиқариб юборди. Тўсатдан бундай бўлишидан денгизчиларнинг кўпчилиги оғир кессон касаллигига учради. Кемадан ташқарига чиққан авария командаси

кема сирти ёмон ҳид қиларувчи ёпишқоқ шилимшиқ модда билан қопланганини кўришди. Бу моддадан намуна олган кема врач бу бизга номаълум бўлган жонли тўқима эканлигини таъкидлади. "Уч кун мобайнида биз қандайдир улкан жонзотнинг ошқозонидан бўлгандаймиз. У бизни ҳазм қилолмади ва қайт қилиб ташлади", - дейди у. Денгизчилар ўша шилимшиқ моддани текшириб кўриш учун Оксфорд университетини олимларига беришди.

Обид СЎФИХОНОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33625 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нарҳда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Л. АҲМЕДОВА.